БҮТҮН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик) ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 161 (6588)
13 АВГУСТ 1946 йил СЕШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Уруғчилик масалалари юзасидан чақирилган Бутун Иттифоқ кенгаши ёпилди (1-нчи бет).
«Қасам» фильмининг зўр муваффақияти (1-нчи бет).
Бутун Иттифоқ социалистик мусобақаси (1-нчи бет).
Уругвай блан савдо шартномаси имзоланди (1-нчи бет).
Партия ташкилотларининг ишларида юксак принципиаллик бўлсин (2-нчи бет).
Ш. Шома'диев. Андижон областида агитация-пропаганда соҳасидаги ба'зи камчиликлар (2-нчи бет).
Ғанибой Исматов. Ғўза парваришини йиғим-теримга тайёрлик блан боғлаб олиб борамиз (3-нчи бет).
Ш. Кузамбоев. Пахта пунктлари янги қосилни қабул қилишга жадал тайёрлансин (3-нчи бет).
П. К. Крючкова. Мойли экинларга жиддий э'тибор берилсин (3-нчи бет).
Ш. Сотибоев. Андижон ёғ заводи нега планни бажаролмай қолди (3-нчи бет).
Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ойлиги. Ремонт ишлари тезлатилсин! 3-нчи бет).
Париж Сулҳ Конференциясида (4-нчи бет).

Чорва молларининг қишловига намунали тайёрланайлик

Узбекистон чорвадорлари Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамловчи Сталинча тўртинчи бешйиллиқнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишга киришдилар. Мамлакат аҳолисини гўшт, сут, мой ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари блан мўл-кўл та'минлашда республикамиз чорвадорлари олдида жуда катта ва мас'улиятли вазифалар турди. Янги бешйиллиқнинг охиригача республикамизда чорва молларининг умумий сони 12 миллион 336 минг бошга етказилмоғи керак.

Чорвачиликни ривожлантириш Сталинча бешйиллик планини тўла ва ошириб бажариш блан мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланади. Халқимизнинг бойлиги яна ҳам ортади. Ўзбекистонда жамоат чорвачилигининг ривожланиши асосий хўжалик-сиёсий вазифа бўлган пахтачиликнинг янада ривожланишига жуда катта ёрдам беради.

Республикамизнинг чорвадорлари Қозоғистон ССР, Жамбул область, Луговский районидаги «Жаңа турмус» колхозчиларининг чақириғи асосида янги бешйиллиқнинг биринчи йили вазифаларини ошириб бажариш учун социалистик мусобақачи кун сайин қизиқиб юборамоқдалар. Илғор чорвадорлар «Жаңа турмус»чилар чақириғига 1946 йил чорвачиликни юксалтириш планини муддатидан илгари бажариш, чорва моллари маҳсулотини кўпайтириш, мол қишловига ҳар тараф блан намунали тайёрлиқ блан жавоб бермоқдалар.

Андижон районининг Ербоғи қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золари шу йилнинг ўзидаёқ қорамоллар сонини 15 процент, қўй-эчкилар сонини 25 процент, отлар сонини 20 процент кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Улар олган мажбуриятларини ado этмоқдалар. Ҳозирданоқ чорва молларининг қишловига яхши тайёрлик кўриб ҳамма молларга етилган ем-ҳашакни ҳозирлаб қўйдилар ва отхона, молхоналарни, қўтонларни ремонтдан чиқардилар. Қашқадарё областининг Кўкбулоқ, Ғузор, Китоб районларида ҳам чорва молларининг қишловига тайёрлик яхши ташкилланган. Бу районлар ем-ҳашак тайёрлаш планини тўла бажариб, қўйларни қочириш кампаниясига қизғин тайёрланмоқдалар.

Чорва молларининг қишлови чорвачиликни ривожлантиришда энг муҳим пайт ҳисобланади. Қишловни намунали ўтказиш, моллари қишловдан семиз ва соғлом чиқариш жамоат чорвачилигини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёзи блан яйловда ўтлаб семирган мол, кузда қочирилган қўй қишда яхши парвариш қилишни, иссиқ жой ва мўл озиқатни талаб қилади. Ўтган ва бурнги йиллари Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа областьларнинг ба'зи районларида қишловга ёмон тайёрлик кўрилгани, ем-ҳашак етарли миқдорда ғамлаб қўйилмаганидан анчагина молларнинг нобуд бўлгани ма'лум. Шунинг учун ҳам УзК(б)П Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маҳаллий партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари, чорвачилик ходимларига ем-ҳашак тайёрлаш планини барвақт бажариш, чорва моллари қишга етарлик озиқ-овқат блан та'минлашни қайта-қайта уқдириб келмоқдалар.

Аммо, мол қишловига тайёрлик кўриш учун энг қулай пайт ўтиб бораётганига қарамай, бу соҳада қилинаётган ишлар сра қониқарли эмас. Ўзбекистон Чорвачилик министрлиги берган ма'лумотга қараганда, республикада ҳашак тайёрлаш плани 5 августгача атиги 42,6 процент, беда тайёрлаш плани эса 40,7 процент бажарилган. Хоразм области ҳашак тайёрлаш планини 29 процент, Сурхондарё ва Бухоро областьлари 30,8 процентдан, Қорақалпоғистон АССР эса 24 процент бажарган, халос. Ҳозир ҳамма жойда ғалла ўрилиб, хирмон кўтарилмоқда. Планда белгиланган somonни тўла тайёрлаш мумкин. Бироқ, бу соҳадаги бепарволик шунга бориб етганки, Бухоро областида атиги 4,4 процент, Тошкент областида 10,5 процент, Самарқанд областида 13 процент somon тайёрланган.

Бунинг сабаби шундаки, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Чорвачилик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари мол қишловига тайёргарлик кўриш ишларини яхши уюштирмаётирлар, ем-ҳашак тайёрлашдек муҳим ишга жиддий э'тибор берилмаяпти. Область ва район партия комитетлари ем-ҳашак тайёрлаш юзасидан давлат томонидан берилган планнинг бажарилиши устидан большевикча назорат қилмаётирлар.

Иш ана шундай ўз қолига ташлаб қўйилганидан Фарғона областининг қўпчилик районларида ем-ҳашак жуда кам тайёрланган. Молотов районида пландаги 15 132 тонна беданди энди 1.120 тонна, 3.020 тонна ҳашакдан атиги 54 тонна тайёрланган. Бу—район ижрокоминнинг раиси Отажонов, район чорвачилик бўлимининг мудири Қурбонов ўртоқларнинг ем-ҳашак тайёрлашга ўтакетган мас'улиятсизлик блан қарашларининг оқибати эмасми? Косондек йирик чорвачилик районида ем-ҳашакнинг энди 28 процентги тайёрланган экан, район ижрокоминнинг раиси Қўзибоев, район чорвачилик бўлимининг мудири Сойлиев ўртоқларнинг бу соҳадаги ишлари нима бўлди!

Ғаф Сталинча тўртинчи бешйиллиқнинг биринчи йили чорвачилик планини бажариш, чорва молларини қишловдан семиз ва соғлом чиқариш ҳақида бораяпти. Вазифа ана шундай катта ва мас'улиятли экан, ем-ҳашак тайёрлашдаги бу қилар қолоқлиққа сра чидаб бўлмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали биронта область ва районда силос бостиришга киришилмаган. Ўзбекистон ССР Чорвачилик министрлиги бу йил 10 минг тонна силос бостириш ҳақида план тузган экан, плашнинг қоғозда қолиб кетишидан нима фойда бор! Ем-ҳашак тайёрлаш ва умуман чорва молларининг қишловига тайёрланиш учун жуда оз муддат қолди. Ғаниматдан фурсатдан унумли фойдаланиб, ҳамма область, район, колхоз ва совхозларда ем-ҳашак тайёрлаш планининг тўла ва ошириб бажарилишига эришмоқ керак. Бунинг учун ҳамма имконият бор. Ҳозир қирда ўсиб етилган янтоқни, тўқайлардаги қиёқларни, айниқса somon ва жўхори-мошояларни тайёрлашга алоҳида эҳтиёт бериш зарур.

Мол қишловига тайёрланишда отхоналар, молхоналар, қўтонлар ҳамда қулуқларни ремонт қилиш, тайёрланган ем-ҳашакни қишлов жойига ташиб келтириш асосий ишлардан биридир. Отхона ва молхоналарнинг ремонти биринчи октябрьдан кечикмай тамомланиши лозим.

Чорва молларининг қишловига тайёрликни кучайтириш блан бирга, қочириш кампаниясига ҳозирлик кўришни ҳам унутмаслик керак. Қочириш пунктларини аниқлаш, керакли асбоб-ускуналарни ҳозирлаш, қўчқор танлаш, қўйларни группаларга ажратиш ва бошқа тайёргарлик ишларини кўриб қўйиш зарур.

Чорвачилик соҳасида Сталинча тўртинчи бешйиллик биринчи йил вазифаларини тўла ва ошириб бажо келтириш учун мол қишловига намунали тайёрланайлик.

Уругвай блан савдо шартномаси имзоланди

Бир-бирини тушиниш асосида дўстона шароитда олиб борилган музокаралар натижасида шу йил 9 августда Москвада Совет Иттифоқи блан Уругвай ўртасида дўстлик, савдо-сотиқ ва денгизда кемалар қатнови тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шартномада белгиланишича, ҳар иккала томон икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ва денгизда кемалар қатновига доир масалаларда бир-бирларига ўзаро мумкин қалар кўпроқ қулайлик бериш усулини қўлланади. Шартнома Уругвайда ССР Иттифоқи савдо ваколатхонаси ташкил қилишни кўзда тутади ва бу ваколатхонанинг ҳуқуқларини белгилайди.

Шартноманинг тузилиши СССР блан Уругвай ўртасида мол оборотини кучайтиришга хизмат қилмоғи лозим. Бу эса, ҳар икки мамлакат манфаатларига мос келади.

Шартномага Совет Иттифоқи томонидан Ташқи Савдо Министри А. И. Микоян ва Уругвай томонидан Уругвайнинг СССР даги Фавқулодда Элчиси ва Мухтор Министри Эмилио Фругони жаноблари қўл қўйдилар.

Шартномани имзолаш вақтида совет томонидан Ташқи Савдо Министрининг ўринбосари М. А. Меньшиков, СССР Ташқи Савдо Министрлиги Коллегиясининг а'зоси П. Н. Кумикин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Латин Америкаси мамлакатлари бўлимининг мудири К. А. Михайлов, СССРнинг Уругвайдаги миссиясининг савдо-сотиқ ишлари маслаҳатчиси Е. Д. Денисенко ва бошқалар, Уругвай томонидан Уругвайнинг Москвадаги миссиясининг 1-нчи секретари В. Сампоньяро жаноблари ҳамда миссиянинг савдо-сотиқ ишлари секретари Б. Эльперн жаноблари ҳозир бўлдилар (ТАСС).

РАНГДОР ПРОКАТ ЧИҚАРАДИГАН ЗАВОД ҚУРИЛАЁТИР

КИРОВ, 9 август (ТАСС). Бу ерда катта завод қурила бошлади. Бу завод мис-латун прокати, труба асбоблар, самовар, примус, кастрюл, чойнак ва бошқа асбоблар чиқаради. 1947 йилда пехларининг пойдевори қурилади.

ХААПСАЛАДА ПЕТР I НИНГ УЙИ

ТАЛЛИН, 9 август (ТАСС). Петр I 1715 йилнинг ёзида Болтиқ экспедициясиси блан бирга Кронштадтдан Либавага кетатуриб Хаапсалада тўхтаган эди. Эстониянинг ана шу кичик шаҳарчасида яшовчи аҳоли Россияни қайта қурган бу буюк арбобнинг хотираси блан боғлиқ ҳамма нарсаларни эҳтиёт блан сақлаб келаётирлар.

Бидеман (собиқ Рицарь) ва Линд кўчаларининг бурчагида маҳаллий суҳьянинг уйи бор. Рус подшоҳи ана шу уйда тўхтаган эди. Уйнинг қадимги тартибда ишланган марказий қисми XVIII аср бошидан бўён яхши сақланган. Уйга рус ва эстон тилларида мармар лавҳа ўрнатилган.

Хаапсала яқинидаги Ангра деган ерда Петр I маҳаллий ландратни келиб кўрган вақтда, унинг кўроатмасига мувофиқ ўтказилган дарахт бор. Шаҳар музейи фондида Петр I нинг XVIII асрда нома'лум рассом томонидан ишланган катта портрети сақланмоқда.

ЯНГИ ПАХТА ЗАВОДИ

СТАЛИНОБОД, 6 август. (ТАСС). Ленинобод областининг Пролетар районида янги пахта заводи ишга туширилди. Бу—янги бешйиллиқнинг биринчи йилида ишга туришилган иккинчи пахта заводидир. Янги завод йилига 2,5 минг тонна пахтани тозалаб, 900 тонна тола бера олади.

„ҚАСАМ" ФИЛЬМИНИНГ ЗЎР МУВАФФАҚИЯТИ

Ўрта Осиё давлат университетини имтиёзли диплом блан тамомлаб чиққан химик Насиба Аҳрапова «Қасам» кинофильмидан та'сирланиб, ўз фикрини билдирди:

— Ленин вафотидан сўнг ўтган 20—21 йил мобайнида мамлакатимизнинг босиб ўтган шарафли ва қаҳрамонона йўли, Ленин васиятларини изчиллик блан бажараётган улуғ Сталининг халқимизни ғалабаларга олиб келаётган доҳиёна раҳбарлиги «Қасам» фильмининг мундарижасидир. Бу фильмни кўрган ёшлар кўп нарсани билиб оладилар. СССР ни йирик саноат мамлакатига айлантириш йўлида қилинган ишлар, душманлар қаршилигини енгиш, мамлакатимизда социализм ғалабаси—бу фильмда кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтади. Мен шу фильмни кўриб ўнлаб китоб ўқигандек бўлдим.

Тошкент шаҳар ўт ўчириш командасининг ходими ўртоқ Шожалил Шомуродов фильмни кўргандан сўнг, бундай деди:

— Кинода доҳиймиз ўртоқ Сталин ва унинг энг яқин сафдошлари кўрсатилган. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг қаҳрамонлиги, халқ блан чамбарчас боғланганлиги, ҳамиша халқ сўзига э'тибор блан қарашлари жуда усталик блан кўрсатиб берилган.

«Қасам» фильми Совет давлатининг мудофаа кучини ҳам намойиш қилади. Ўртоқ Сталининг донолиги ва дун'ёга бўлаётган воқиаларидан тўғри хулоса чиқариб, келажакни олдин кўриш—фильмда жуда яхши ифода қилинган. Фашизмнинг қора ниятлари аён эди. Шунга кўра, Ватанимиз мудофаага тайёрланди, ўз ҳарбий қувватини ошириб борди. Ўртоқ Сталининг ҳам давлат ишидаги, ҳам ташқи сиёсат ва ҳарбий соҳалардаги раҳбарлиги бизни ғалабага олиб келди. Бу воқиалар фильмда та'сирли этиб берилган.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тўлагай Зокиров қуйидагиларни айтди:

— Ўртоқ Сталин раҳбарлигида юртимиз қолоқликдан чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва фан тараққий этган дун'ёдаги энг қудратли мамлакатлардан бирига айланди. Ватанимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди.

Худди шу воқиалар, ўзгаришлар «Қасам» фильмида акс этдирилган. Ўртоқ Сталин давлат ишининг кўплиги, вақт тигизлигига қарамай оддий совет кишилари блан суҳбатлашгани ҳам вақт топ олди, уларга маслаҳат берди ва ғамхўрлик қилди. Бугунги кунлинг Ленини — улуғ Сталининг улуғ сиймоси экранда кўз олдингизда ўтади. Бу ёқимли, та'сирли фильм хотирамизда абадий қолажак.

Тошкент кино студиясининг актёри ўртоқ Соат Толибов бундай деди:

—«Қасам» сценариясини ёзиш ва уни кинога олиш учун 6 йил мобайнида тайёрлик кўрилганлиги мезга ма'лум. Кино сан'атидан хабардор бўлган ва ўзи кино соҳасида хизмат қилучи ҳарбир кишига бу фильмнинг ютуқлари ва хусусиятлари равшандир. «Қасам»—совет киноларининг энг олийси, шох асари ва чўққисидир: Ҳам мундарижа, ҳам гўзаллиги ва музикаси блан бу фильм ажралиб туради. Бутун коллектив кўп меҳнат қилганлиги, ҳаётни ва тарихни қунт блан ўрганганлиги шубҳасиздир. Айниқса, ўртоқ Сталин образи (Сталин мукофотининг лауреати Геловани ижросида) шу вақтгача ишланган киноларга қараганда ғоятда юксак ва тўладир.

Биз ёш ўзбек кино сан'атининг ходимлари бу ажойиб фильмдан сабоқ оламиз, кўп йилларгача уста сан'атчиларнинг маҳоратларини чуқур ўрганажакмиз.

★ ★ ★

Совет Иттифоқининг кино экранларида Тбилиси кино студияси ишлаб чиқарган, П. Павленко ва М. Чиарули сценарияси асосида ишланган «Қасам» кинофильми зўр қизиқиш блан тамоша қилинмоқда, мамлакатимизнинг барча шаҳарларида катта муваффақият қозонмоқда. Москванинг ўзидагина бир сидрасига 20 та кино театрда бу фильм кўрсатилмоқда.

Тошкент шаҳрида «Қасам»ни шу кунгача ўн минглаб кишилар тамоша қилди. Ҳали ҳам сеанс бошланишидан анча олдин кассада билетлар сотилиб тамом бўлмоқда. Қўшни районлардан, хатто Қозоғистонзинг бизга яқин районларидан шу кинони кўрамаи, деб келучилар тобора кўпаймоқда.

БУТУН ИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАКАСИ

Мартенчилар яна ғолиб чиқдилар

Узбекистон металлургия заводи мартен цехининг коллективи Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, июнь ойида пландан ташқари 350 тонна пўлат қуйиб берган эди. Металлурглар июльда яна баланд сур'ат блан ишладилар. Июль ойида металлурглар пўлат қуйиш планини 102 процент бажардилар.

Ўртоқ Терехов сменаси айниқса яхши ишламоқда. Бу смена пўлат қуйиш планини 112 процент ado этди. Сменанинг стахановчилари Тимонин, Мавлонов, Юсупов, Аҳмедов, Тошпўлатов, Тўлаев ўртоқлар ҳаммага намуна бўлаётирлар.

Ўртоқ Гилазиддинов сменаси ҳам ўз мажбуриятини яхши бажараётир. Бу смена ўртоқ Шуголь бошлиқ смена блан мусобақалашиб ўз планини ошириб бажармоқда. Бу сменалардаги пўлат қуючилардан Ғаниев, Ҳамроқулов, Раҳмонов, Алиев, Пижев, Насибуллин, Каримов ўртоқлар яхши ишлаётирлар.

Металлургия заводининг илғорлари август ойида пландан ташқари бирпеча юз тонна пўлат қуйиб бериш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ш. АЛИЕВ.

Юкчиларнинг ғайрати

Тошкент темир йўли ҳаракат службасига қарашли кўпгина коллективларнинг темирйўлчилари ўзаро мусобақалашиб, давлат планларини ошириб ado этаётирлар. Туркистон ҳаракат бўлимининг коллективи июль ойида юк ортиш давлат планини 126 процент бажарди. Пландан ташқари 527 вагонга юк ортилди.

Қизил Урда темирйўлчилари ҳам ўз байрамларига ютуқлар блан келдилар. Улар июль ойида юк ортиш планини 122 процент ва юк туширши планини 139,7 процент ado этдилар.

Тошкент темир йўли Қўқон бўлимининг ҳаракатчилари яхши ишламоқдалар. Қўқонли юк ортучилар цистерналарга нефть қуйиш ойлик планини 107,8 процент ado этдилар.

Қўқон станциясида поезд тузучи ўртоқ Пардабоев ўртоқ Краснов методи блан ишлаб, июль ойида 196 поезд тузди ва вагонларнинг бекор туришини 7.497 соат камайтирди. У ўз нормасидан ташқари 19 поезд тузди.

Ўртоқ Пардабоев блан мусобақалашиб ишлаётган поезд тузучи ўртоқ Жўрабоев ҳам жуда яхши натижаларга эришди. У ойлик тошириғини ошири блан бажарди.

А. АЛЕКСЕЕВ.

Тошлоқ саноат комбинати йиллик планини бажарди

(«Қизил Узбекистон» мухбиридан)

Тошлоқ районидаги маҳаллий саноат комбинати Фарғона областининг илғор корхоналаридан бири ҳисобланади.

Комбинат ишчилари Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, Сталинча тўртинчи бешйиллиқнинг биринчи йили тошириғини муддатидан беш ой илгари, я'ни 1 августгача бажариш, маҳсулот таннархини 30 процентгача камайтириш каби бир мунча мажбуриятларини олган эдилар. Ишчилар берган ва'даларининг уддасидан чиқиб, йиллик планни 1 августда юз процент ado этдилар ва маҳсулотнинг таннархини 30 процент пасайтирдилар.

Комбинат коллективи йил охиригача пландан ташқари 30 минг метр ипакли газмол ишлаб бериш мажбуриятини олди.

Республикамизда

КОЛХОЗЛАРДА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

Тошкент область, Оржоникидзе районининг колхозларида янги уйлар қуриш кент тус олмоқда. Биринчи галда янги уйларга энг яхши стахановчи колхозчилар ва Улуғ Ватан урушининг инвалидлари жойлаштирилади.

Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил азамат» ва «Қизил Узбекистон» колхозларида Европа типидаги ўнларча уйлар барпо қилинди. Бу уйларга электр сими киргизилиб ёпписига радиолаштирилмоқда.

Сталин қишлоқ советидаги «Қизил куч» колхозининг а'золари Бўзсувда гидроэлектростанция қурилар. Бу — қишлоқ советидаги ҳамма колхозларда электрлаш усулига кўчиш имкониятини берди.

ОБОД КОЛХОЗ

Мирзачўл районидаги «Пахтаобод» колхозида боғдорчилик блан бир қаторда, ободончилик ишига зўр аҳамият берилмоқда. Колхоз қишлоғидаги қуюқ дарахтзорлар ичида янгидан-янги чиройли биноолар барпо қилинмоқда.

Колхозда шу йилнинг биринчи ярмида маданий оқартув уйлари айниқса кўп қурилган. Қисқа вақт ичида катта клуб, қишлик қизил чойхона учун бино ва колхознинг чорвалари қишлайдиган янги молхона қурилди. Колхоз а'золари ўртасида якка уй-жой қуриш даваси тобора ортмоқда.

ЕШ МУТАХАССИСЛАР

Чирчиқ шаҳридаги 13-нчи ҳунар мактаби завод ва фабрикаларга ёшлардан тобора кўплаб юқори малакали ишчи кадрлар етиштириб бермоқда. Яқинда мактабни 275 киши тамомлади. Давлат имтиҳонини а'ло баҳо блан топширган Красовский, Титов, Силинлар синфлари ёшлар шаҳар корхоналарида мустақил ишлаб, ҳозирданоқ юксак меҳнат унуми бера бошладилар.

Суратда: Тошкент тўқимачилик комбинати 2-нчи тўқув фабрикасининг энг яхши мастери ўртоқ А. А. Платонов (ўнгда) Қизил Армия сафидан бўшаб келган ўртоқ Т. Фотисовга тўқув ҳунарини ўргатмоқда.

В. Лойн фотоси.
(ЎзТАГ фото хроникаси).

МАКТАБГА ОТАЛИК

Сталин номли электрохимия комбинатининг коллективи, айниқса электро-ремонт цехининг ходимлари ўз оталиклари-даги мактабга ёрдамлашмоқдалар. Ишчилар ўз кучлари блан ўқув йили бошланг гунча 1000 та қалам, 1000 резинка, 500 варақ кўчириш қоғози ва бошқа нарсаларни тайёрлаб берадилар. Буларнинг ҳаммаси чиқиндилардан ясалади.

ПОЙГАЛАР МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги О. И. Городовиков номли давлат отчопарида 11 август якшанба куни от пойгалари мавсуми бошланди.

Биринчи кунда Тошкент, Жиззах, Сталинобод ва Кустанай от заводларидан, УзССР Осоавиоҳим марказий советига қарашли чавандозлар мактабидан, Тошкент қишлоқ районидаги «Қизил шарқ» ва Навоий номли колхозларидан, Ўртачирчиқ районидаги «Северный маяк» ва «Тўқин» колхозлари ҳамда бошқа жойлардан келтирилган 50 дан ортиқ от қатнашди.

Пойгалар бошланишидан мусобақани блан уч яшар қорабайир айғирлар учун белгиланган мукофотни Жиззах заводининг от олди. Бу от 1800 метр масофани 2 минут 18 секундда босиб ўтди. Бунга Тошкент отчоплари учун рекорд деб ҳисоблаш керак. Зотли айғирлар ва уч яшар биялар учун белгиланган мукофотни Тошкент от заводининг «Журнал» деган ингилиз-пала насли айғири олди.

Пойгада колхоз отлари ҳам яхши натижага эришдилар. «Северный маяк» колхозининг «Расплата» деган айғири 18 километр масофани бир соат 11 минутда босиб ўтди. Пойгада «Тўқин» колхозининг «Денис» деган айғири ҳам ғолиб чиқди.

Байрамда Бутун Иттифоқ от спорт мусобақаларига тайёргаланаётган команда қатнашди. Команда чопиш ва сакраш мусобақаларида маҳорат кўрсатди. «Оломон пойга» бўлди. Бунда Қорасув районидаги колхозларнинг отлари қатнашди. Биринчи бўлиб Сталин номли колхознинг «Боб» деган айғири келди.

18 августда отчоплада катта пойгалар бўлади. (ЎзТАГ).

Уруғчилик масалалари юзасидан чақирилган Бутун Иттифоқ кенгаши ёпилди

Чигит селекцияси ва чигит ҳамда беда уруғчилиги юзасидан чақирилган Бутун Иттифоқ кенгаши 9 августда ўз ишини тугатди.

Доклад юзасидан музокараларда сўзга чиққан селекциячилар, уруғчи агрономлар ўз ишларидаги тажрибалари ҳақида фикр олишдилар, уруғчилик ишини янада яхшилаш соҳасида қимматли таклифлар бердилар. Наманган районидаги Сталин номли колхоз элит хўжалигининг мудири агроном ўртоқ Киселева ўз тажрибаси ҳақида сўзлади. Элит хўжалигида Сталин мукофоти лауреати С. С. Банаш томонидан етиштирилган С—460 нав'ли чигит каттагина майдонга экилиб, гектаридан 40—45 центнердан пахта етиштирилаётир. Сталин номли колхозда етиштирилаётган уруғ блан Наманган областидаги барча колхозларни ана шу нав' пахта чигити блан та'минланаётир.

Аммо уруғчилик соҳасида жиддий камчиликлар бошлиги ҳам та'кидлаб ўтилди. Масалан, Чимбой районидаги элит хўжалигида далалар яхши ишланмаслиги орқасида гектаридан 6—7 центнердан пахта олинаётир. Ўзбекистон Техника экинлари министрлиги уруғчилик бўлимининг старший агрономи ўртоқ Боев пахта заводларида пахта тозалаш ва чигитни бутун сақлаш соҳасидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилди. Самарқанд, Қатағўрғон ва Андижон заводларининг ёмон ишлаши орқасидагина бирнеча минг тонна чигит экишга яроқсиз бўлиб қолган. Ўзбексовхозхлопок трестининг старший агрономи ўртоқ Петров «Норин», «Пахтали кўл», «Ҳазорбоғ», «Сурхон» совхозларида уруғчилик хўжаликлари ишламай қўйганликларини айтди.

СССР Техника экинлари министрининг ўринбосари ўртоқ Косов сўзлаб, кенгаш ишларини якунлади. Ўртоқ Косов уруғчилик ишини тезроқ яхшилашга қаратилган бирқанча тадбирларни таклиф қилди. Ўртоқ Косов ўз сўзида мамлакатга кўпгина янги хил қимматли уруғлик чигит етказиб берган Союз НИХИ Марказий селекция станциясининг эришган муваффақиятларини та'кидлаш блан бирга, бу каттакан муассаса ҳали пахта селекцияси масалаларини ҳал қиладиган ва чипакам илмий-методик марказга айланмаганлигини кўрсатиб ўтди. Ўртоқ Косов тўқимачилик саноатининг мутаҳассислари олдига бирқанча талаблар қўйди: Мамлакатимизнинг тўқимачилик саноати пахта толаси соҳасида қандай талаблар қўйишини селекциячиларимиз ҳамиша билиб туришлари керак. Токи, улар совет иste'молчисининг газмоллар сифатини яхшилаш йўлида тобора ортаётган талабини қондириш учун ёрдам берсинлар.

Кенгаш муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЛАРИДА ЮКСАК ПРИНЦИПИАЛЛИК БЎЛСИН

Большевиклар партияси совет давлатига раҳбарлик қилуви кучдир. Большевиклар партияси ҳукмрон партия бўлганлиги учун Ватаннинг тақдири, Ватаннинг қудратини янада ошириш, халқнинг маданий савиясини ошириш ва моддий аҳволини янада яхшилаш учун бутун жавобгарликни ўз зиммасига олди. Мамлакатимизда партиянинг раҳбарлик роли барча маҳаллий партия ташкилотларининг ишларини белгилаб беради. Область партия комитети областьдаги қаётнинг ҳамма соҳаларига қарайди ва ҳарбир иш учун жавобгар бўлади.

Партия органлари сиёсий раҳбарлик органидир. Улар ўз вазиятларига кўра мустақил бўлишлари, ҳар қандай маҳкамаларнинг та'сиридан ҳоли бўлишлари, ҳарбир ишни обьектив суратда муҳокама қилишлари, ишдаги ютуқ ва камчиликларни ҳар тарафлама э'тиборга олишлари керак. Бу ҳораларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг жуда кўп идора ва муассасаларининг ишларини умумий бир мақсадга қаратиб олиб боришлари, ходимларнинг ким бўлишига қарамай, улар олдига катта талаб қўйишлари, камчиликларни ҳас-пўшламай, балки, аксинча, охиригача очиб ташлашлари учун имкон беради. Партия ташкилотларининг ҳарбир масалага принципиал нуқтаий назардан қарашлари, давлат манфаатларини аниқ равшан тушинишлари, омма ўртасида сиёсий иш олиб боришлари, турли касб ва ихтисослаги кишилар билан доим алоқада бўлишлари, шу вақттача ма'лум бўлмаган кучларни топиш учун, яхши ташаббусни ўз вақтида пайқашлари, кўзбўямачилик, давлатни алдаш каби ярамас ҳолларни фош қилишлари учун ва нуқсонларни йўқотишлари учун ёрдам беради.

Партиямиз халқ хўжалигининг аҳволи ва тараққиёти юзасидан партия ташкилотларининг жавобгарлигини доим оширади, партия ташкилотларидан хўжалик ишларига актив суратда та'сир кўрсатишни талаб этади. Бу, социалистик қурилишда муваффақиятларга эришишнинг энг муҳим шартидир. Аммо, шу билан бирга партия огоҳлантириб айтадики, партия органлари хўжалик ходимларининг ўрнини босмасликлари ва хўжалик органларининг ролини ва сиёсий раҳбар орган сифатидаги ўз рольларини пасайтирмасликлари керак. Дарҳақиқат, партия ташкилоти хўжалик ташкилотларга хос методлар билан иш кўрадиган бўлса, хўжалик ишларига доир жуда кўп майда-чуйда масалалар билан шуғулланса, бундан қандай натижа чиқади. Хўжалик ходимларининг ўрнини босиш шунга олиб келадики, партия ташкилотларининг ходимлари ҳам кўпинча масалага фақат бир идора нуқтаий назаридан қарай бошлайдилар, омма ўртасида ишлашга қизиқмай қўядилар, ҳархил камчилик ва нуқсонларга бепарво қарай бошлайдилар, хўжалик ходимлари билан битишиб кетадилар. Хулласини айтганда, ишдаги нотўғри методлар хавфли оқибатларга сабаб бўлади.

Афсуски, ба'зи партия ташкилотларининг раҳбарлик рольларини пасайтириб қўйганлигини кўрсатадиган фактлар бор. Контрольнинг бўшаштириб юборилганлиги, партия ташкилотларининг ишларида хуш'ёрликнинг бўшаштирилганлиги натижасидагина, ба'зи корхоналарда ишлабчиқаришни уюштиришдаги катта камчиликлар, маҳсулотнинг паст сифатли бўлиши, хомаш'ё, материал ва пул маблағларининг анча ортиқча сарф қилиниши каби нуқсонлар мазкур корхоналардаги партия ташкилотлари томонидан очилмай қолади, бу нуқсонлар бошқа ташкилотлар томонидан очилади. Масалан, «Поршень» заводининг (Омск шаҳри) партия ташкилоти ма'муриятнинг ишларини контроль қилиб туриш ҳуқуқидан фойдаланмоқда деб айтиш мумкинми. Бу заводдаги коммунистлар камчиликлар тўғрисида пичирлашиб юрадилар, ба'зилар эса, заводдаги тартибсизликлар тўғрисида райком ходимига хабар бериб, унлар: «Сиз, айтган гапларимизни партия ташкилотчисига асло билдирманг, агар айтиб қўяқиган бўлсангиз директор бундан дарҳол хабар топади, шундан кейин бизни шундай қисадики, гаплашишга ҳам тоқатинг қолмайди» деб илтимос қиладилар. Бу заводда партия ташкилотчиси директор билан шу қадар чиқишиб кетганки партия ташкилотчисига бирор гапни айтиш фойдасиз бўлиши устига хавфли ҳам. Партия ташкилотчиси ҳамма ишга директорнинг кўзи билан қарайди. Ишчиларнинг тўғри шикоятларига э'тибор қилинмайди, натижада тартибсизлик ва бесаранжомлик юз берди. Аммо, бу аҳвол Омск шаҳар партия комитетини ташвишга солмади. Шаҳар партия комитети партия ташкилотларининг ролини кучайтириш ва корхонадаги ишлар учун жавобгарлигини ошириш ва хўжалик ҳамда партия ходимларини большевикча принципиаллик руҳида тарбиялаш соҳасидаги вазифаларни унутиб қўйган бўлса керак.

Хўжалик ва партия ташкилотлари раҳбарларининг аҳллик билан ишлашлари плазларни муваффақиятли бажариш учун муҳим шартдир. Партия ташкилотлари хўжалик ходимларини қувватлашлари, омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш йўли билан уларнинг ишларига ёрдам беришлари керак. Аммо партия ташкилоти хўжалик раҳбарларига ёрдам беришни блан бирга, уларнинг ишларини контроль қилиб туришлари, камчиликларини танқид қилишлари, принципиал йўл тутишлари керак. Бу тамомила равшан бир нарса. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли 70-нчи заводдаги аҳвол контрольсизлик ба'зан қандай оқибатларга сабаб бўлишини кўрсатади. Яқинда ССР Иттифоқи Давлат контроли министрлиги бу заводда давлат пуллари талон-тарож қилинганлигини аниқлади. Завод директори Пригульскийнинг иштироки блан заводда давлат топшириқларини алдашда ҳар хил усуллар қўлланилган, соҳта счётлар тўланган, жуда кўп пул ва ҳар қандай моддий бойликлар ўзлаштирилган. Бу заводда коммунистлар ВКП(б) Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси, йирик партия ташкилоти бор. Заводда давлат манфаатларига қилоф ишлар қилинганига нима сабаб бўлганлигини тушиниш учун ана шу мисол жуда ибратлидир. Завод партия комитетига берилган сигналларнинг оқибатсиз қолиб кетганлигини тасодифий бир ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди. Бунга сабаб шуки, ВКП(б) Марказий Комитетининг заводдаги собиқ партия ташкилотчиси Буров партия ташкилотининг ма'мурият ишларини контроль қилиб туриш каби энг муҳим вазифасини бажармаган ва бутунлай директорга қарам бўлиб қолган. Дарҳақиқат, директордан доим ҳархил моддий ёрдам олиб туришни ўзи учун уят бир иш деб ўйламаган партияли ходим хўжалик раҳбарлигидаги камчиликларни принципиал танқид қилишга жур'ат этади, деб тасаввур қилиш қийин. Партияли кишига хос зарур хуш'ёрликнинг йўқлиги, партия ташкилоти раҳбарининг тамомила хўжалик ходимига қарам бўлиб қолишига сабаб бўлган. У камчиликларни танқид қилишга бош бўлиш ўрнига, ҳамма ишларга директор кўзи блан қарай бошлаган, директорни пастдан бўладиган ҳар қандай танқиддан сақлаган ва партия ташкилотининг директор учун жуда мақбул бўлган секретарига айланган.

Бундай фактлар ов учраса ҳам уларни э'тиборсиз қолдириш ярамайди, чунки бунда гап олға қараб қилаётган харакатимизнинг энг муҳим шартларидан бири тўғрисида, я'ни партия ташкилотларининг мустақиллиги тўғрисида бораётир. Камчиликларни батамом йўқотиш учун партия ташкилотларининг раҳбарлик ролини янада ошириш, коммунистларнинг активлигини кучайтириш, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ҳамма участкаларни партия ташкилоти йўли блан қаттиқ контроль қилиш, ҳар қандай масалани ҳал этишда барча партияли ходимлардан большевикча принципиаллик бўлишни талаб қилиш керак. Бунинг учун эса, партия ташкилотларининг ўз-ўзини танқид қилишига қулақит берадиган ҳамма нуқсонларни бутунлай йўқотиш керак.

Даставвал партияли ходимларнинг хўжалик ташкилотларига моддий жиҳатдан қарам бўлишини йўқотиш лозим. Партияли ходимларни хўжалик ташкилотлари йўли блан мукофотлаш каби тартибни қат'ий қоралаш керак. Партияли ходимларнинг хўжалик ходимларидан ҳар қандай шаклда мукофот олиши камчиликлар устидаги танқидни кучайтиришларига ҳалақит беради. Партия ташкилотларининг раҳбари бирор кишидан моддий ёрдам олдиган бўлса, ишга жиддият блан қарамаса ва ўзининг катта мартабасидан нотўғри фойдаланса, ходимларнинг ишларини контроль қилишдан маҳрум бўлади. Ҳар қандай муттаҳамлар ва тасодифий унсурлар бундан фойдаланадилар. Улар худди шу мақсадда лаганбардорлик ва хушомадгўйлик қиладилар. Партия ташкилотининг раҳбари ҳарбир жиҳатдан обрўйли киши бўлиши керак. Шундагина партия ташкилоти объектив, принципиал равишда контроль қила олади, кишилар олдига талаб қўя олади.

Бутун ишимизда контроль ва ижрони текширишга ғоят катта аҳамият бериллиши керак. Бусиз раҳбарлик ишлари юзаки бўлади ва шу блан бирга кадрлар тўғри йўллан чиқиб кетадилар, уларда жавобгарлик ҳисси қолмайди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил февраль-март пленуми қарорида бундай дейилади. Партия «ходимнинг бирор ишга тайинланиши ҳеч назорат қилмай бу ишни унга тамомила ишониб топшириш ва унинг ихтиёрига берib қўйишни кўрсатади деб ҳисобламайди. Аксинча партия контроль қилиш ва ижрони текшириш большевикча ташкилий ишнинг ажралмас бир қисми, ходимларни уларнинг иш натижаларига қараб доим текшириб туриш керак, улар ёрдамга муҳтож бўлганларида ёрдам бериш, ишдаги нуқсонлари ва айлиқса сиёсий нуқсонлари аниқ ма'лум бўлган чоқда, уларни ўз вақтида ўрнларидан олиш керак деб ҳисоблайди». Аммо партия ташкилотларининг раҳбарлари ҳамиша бу кўрсатмаларга амал қиладилар деб бўлмайди. Ба'зи ҳолларда ходимларга иш нуқтаий назаридан қарамай, юзаки қарайдилар. Бу ҳол ба'зан ишга сабаб бўладики, айрим партия ташкилотлари хўжалик, совет ташкилотларида ходимларнинг ошна-оғайнигарчиликка қараб тайинланганликларини сезмай қоладилар, кишиларни уларнинг ишчанлик ва сиёсий белгиларига қараб эмас балки шу ердаги раҳбарга муносиб киши бўлганлигига қараб танлайдилар. Бунинг натижасида, шундай бир аҳвол пайдо бўладики, мас'ул ходимларнинг раҳбар группаси ўрнига, бир-бирига яқин кишилар тўдаси вужудга келади. Бу тўдадаги кишилар ишни қўлларига олиб, бир-бирлари блан тотув бўлиб яшашга ҳаракат қиладилар, ишда камчиликлар борлиги аниқланган чоқда, бир-бирларини қоймайдилар ва ҳар қандай танқиддан бир-бирларини ҳимоя қиладилар. Натижада ишдаги камчиликлар ҳақида «пастдан бўлган танқид»лар ана шу тўданинг адабини беролмайди.

Шу мунасабат блан яқинда Симферополь партия ташкилотида бўлган бир ҳодиса тўғрисида гапирмай иложимиз йўқ. «Винтрест» бошқаручиси Ўртоқ Фомичев ўз ш'ниги қилинган жуда тўғри танқиддан ҳафа бўлиб, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Демина: «Сен бугдан буён трестда ишламайсан» деган. Тез орада Ўртоқ Демин ҳеч қандай асоссиз трест кадрлар бўлимининг бошлиги вазифасидан олинган. Район партия комитети бунга қандай қаради, у партия ташкилотининг секретарини ҳимоя қилдими? Йўқ, район партия комитети шундай қарор чиқарди: «Ўртоқ Демин трест бошқаручиси блан ўзаро мунасабатни тўғри йўлга қўймаганлигини ва трестлаги ишларни пухта ҳам яхши уюштиролмаганлигини назарда тутиб ўртоқ Демин партия ташкилотининг секретари ва кадрлар бўлимининг бошлиги вазифасидан озод қилинсин». Шундай қилиб, масаланинг принципиал томони бўяб кетилди ва район партия комитети трест бошқаручисининг талабларини бажо келтирди. Шунисе қизиқки, район партия комитети ўз қарорини партия ташкилотининг секретари номига эмас, балки трест бошқаручисининг номига юборган. Район партия комитети кадрлар бўлимининг янги бошлиғини секретарь қилиб сайлашни партия мажлисида тавсия этган. Бу одам трест бошқаручисига тамомила ма'қул бўлса ҳам овозга қўйиш вақтида ўтмай қолган. Область партия комитети масалага аралашганидан кейингина, район партия комитетининг қарори бекор қилинган. Ўртоқ Демин ўз ишига қайтарилган. Афсуски, бу ишга тегишинча баҳо берилмади. Район партия комитетининг тутган йўли кадрларни ошна-оғайнигарчиликка қараб танлашга имкон берадиган ва аслда бошланғич партия ташкилотини хўжалик ходимига қарам қилиб қўядиган ва уни танқид қилишга йўл қўймайдиган принципсиз бир йўл деб қораланмади. Дарҳақиқат, партия ташкилотининг секретари тўғри йўл тутганида юқори партия ташкилотидан доим ёрдам кўришига қат'ий ишонмаса, бундан қандай натижа келиб чиқади? Район партия комитети шундай йўл тутса партия ташкилотларида ўз-ўзини танқидни кучайтириб бўлмайди, коммунистларнинг дадил гапиришларга лаганбардорлик, хушомадгўйлик, принципсизликка қарши курашувларига умид боғлаб бўлмайди.

Кадрларни ошна-оғайнигарчиликка қараб танлашга йўл қўймаслик учун партия органлари идораларнинг раҳбар кадрларни ўрганиш ва уларни жой-жойига қўйиш соҳасидаги ишларини қаттиқ контроль қилишлари зарур. Ходимлар ишга тайинланганидан ёки ишдан озод қилинганидан анча кейингина уларни тасдиқлаш ёки бўшатиш ҳақидаги таклиф партия ташкилотининг муҳокамасига қўйиладики, бу нотўғридир. Бу ҳол партия ташкилотининг кадрларни танлашдаги хатоларнинг олдини олишга ва ходимларни ўринсиз алмаштиришга йўл қўймаслигига имкон бермайди. Идоралар томонидан тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим бўлган кишилар аппарат йўли блан рад этиладики, бу усулни ҳам тўғри деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ҳол раҳбар партия органининг ролини пасайтиради, кадрларни жой-жойига қўйиш каби муҳим масалани аҳамияти камроқ бўлган иккинчи даражали масалага айлантиради. Ишга принципиал нуқтаий назардан қараш партия органининг қарори блан бирор ходимни тайинлаш ёки бўшатишни, бу масалани бюро мажлисларида мазкур ходимни чақириб муҳокама қилишни кўзда тутади. Кадрларни уларнинг ўзларини чақириб муҳокама қилмай туриб, тасдиқламаслик керак.

Партия ишларини коллектив бўлиб бажариш — масалаларни чинакам принципиал ва объектив суратда ҳал этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Партия ташкилотининг контроли партия аппаратидаги айрим ходимлар томонидан амалга оширилиадиган контроль деб тушинилмайди. Партия ташкилотининг кучи шундаки, у ходимлардан кўп кишининг тажрибасига таянади, пастдан бўладигаи контрольнинг хилма-хил шаклларидан кенг фойдаланади. Энг муҳим масалаларнинг партия мажлисларида, актив йиғилишларида, пленумларда муҳокама қилиниши, бюро мажлисларининг мунтазам суратда ўтказилиши ходимларнинг принципиаллигини оширади, ходимларни ҳарбир ишга партиячилик нуқтаий назари блан қараш руҳида, камчиликларга қарши шафқатсиз курашиш руҳида тарбиялайди. Шу сабабдан, партия ички демократиясини доим амалга ошириш коммунистларни ғоят принципиалли қиладиган, ҳарбир ишга партиячилик нуқтаий назаридан қарашга ўргатадиган зарур шартдир.

Ходимнинг принципиаллиги блан унинг ғоявий савияси ҳам тамомила бир-бирига боғлиқдир. Большевикча принципиаллик ўз ғояси ва маслагида қаттиқ туришга эсосланади. Партиянинг кадрларни мафкуравий жиҳатдан чиниқтириш соҳасида доим амалга ошираётган катта ишлари даставвал шуни кўзда тутадики, кадрларимиз амалий масалаларни ҳал этиш вақтида хусусий, маҳаллий манфаатларни эмас, балки партия ва давлатнинг умумий манфаатларини асос қилиб олишлари керак, улар бугунги куннинг манфаатларини кўзда тутиш блангина қолмай, балки тараққиётимизнинг истиқболини ҳам аниқ билишлари керак. Партиямиз ҳарбир ходимнинг ишчанлиги блан юксак баҳо беради. Ходимнинг ишчанлиги блан қуруқ амалиётчилик ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Қуруқ амалиётчиликка берилган кишилар навбатдаги хўжалик ишларини бажариш блангина чекланиб, халқаро ва ички қаётга доир асосий масалалар блан қизиқмай қўядилар. Шу сабабдан партия ташкилоти коммунистнинг ғоявий жиҳатдан қандай ўсаётганлиги, ўқиётганлиги ва қандай китобларни ўрганаётганлиги ва ўқилган материалларни қандай ўзлаштираётганлиги каби масалаларга бепарво қарай олмайди. Ходимнинг марксча-ленинча тайёргарлиги унинг раҳбарлик услубига, иш натижаларига ҳам албатта та'сир қилади. Партия ташкилоти мафкуравий ишни ва пропаганда ишини юксак даражага кўтарса, ҳарбир коммунистнинг ўз савиясини қандай ошираётганлигини доим текшириб турса, масалаларни ҳал этган вақтда принципсизлик, юзакичилик, андишачилик каби ҳолларга қарши рақмсиз курашишга имконият туғдиради.

Принципиали бўлиш, камчиликларга қарши рақмсиз курашиш—большевикнинг энг муҳим хусусиятидир. Ўртоқ Сталин бир вақтлар масалалар принципиал тарзда ҳал этилмай, балки ошна-оғайнигарчиликка қараб, масалан, қуйидаги тарзда ҳал этилса, қандай оқибатлар юз бериши мумкин эканлигини кўрсаттан эди: «Фалон ташкилотнинг раҳбарларидан бири бўлган Иван Иванович айтайлик, жуда катта ҳато қилди ва ишни бузиб юборди. Аммо Иван Федорович уни танқид қилишни, хатоларини кўрсатишни, бу хатоларни тузатишни истамайди. «Узига душман ортдириш»ни ҳоҳламаганлиги учун бундай қилишни истамайди. Хато қилиб, ишни бузиб қўйган эканлар катта бир иш бўлибдими! Қайси биримиз хато қилмаймиз? Бугун мен унинг, Иван Федоровичнинг гуноҳини кечираман. Эртага у менинг, Иван Ивановичнинг гуноҳини кечиради. Чунки хато қилмайман деб айта оламанми? Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам». Ўртоқ Сталин масалаларни ҳал этишда большевизм ан'аналарига ёт бўлган ана шу принципсизлик, обивательчиликни фош қилиб, айтган эдики, агар биз камчиликларимиздан кўз юма бошласак, масалаларни ошна-оғайнигарчилик йўли блан ҳал этадиган бўлсак, ўз хато ва нуқсонларимиз ҳақида индамай кўз юмиб ўтсак, бу ҳол улуг ишимиз учун таҳликали бўлур эди.

Партия бутун совет кишиларини бешйиллик планни бажаришга сафарбар қилаётган ҳозирги пайтда ўртоқ Сталининг бу гаплари айниқса муҳимдир. Амалий ишимизда камчиликлар кўп. Қийинчиликларимиз кам эмас. Бу қийинчиликларни енгиш учун зўр ғайрат блан ишлаш зарур. Бешйиллик план тез сур'атлар блан ишлашни, маҳсулотнинг янги ҳилларини тез чиқара бошлашни, кварталл, ойлик планларини сўзсиз тўла ва ошириб бажаришни, кундалик графикка мувофиқ бир текисда ишлашни талаб қилади. Партия ташкилотлари камчиликларга қарши шафқатсиз кураш олиб борсалар, большевикча ўз-ўзини танқидни кучайтирсалар, ходимларимиз доим принципиаллик бўладилар ва биз тез қадамлар блан олга борамиз.

(«ПАРТИЙНОЕ СТРОИТЕЛЬСТВО» журналининг 11-нчи сонида босилган бошмақола).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Андижон областида агитация-пропаганда соҳасидаги ба'зи камчиликлар

Андижон области республикамизнинг асосий пахтакор областьларидандир. Андижонлилар бу йил мамлакатга 215 минг тонна пахта етказиб беришлари керак. Область партия ташкилоти ўз олдидаги мана шу асосий вазифани бажариш учун колхозчилар оммаси ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш, бешйиллик планни кенг пропаганда қилиш ва шу асосда халқ оммасининг кучини, ғайратини сафарбар қилиши керак.

Андижон область партия ташкилоти қишлоқда сиёсий-оммавий ишларни, агитация ва пропаганда ишларини жонлантириш соҳасида кейинги вақтларда анчагина ютуқларга эришди. Районларда ВКП(б) тарихи қисқа курсини ўрганиш юзасидан 72 та тўгарак ишламоқда, бу тўгаракларда бир ярим минга яқин коммунистлар ва партиясизлар қатнаб ўқимоқда. Районларда бешйиллик планни ўрганиш юзасидан назарий конференциялар ўтказилмоқда.

Қишлоқларда колхоз актавлари учун ташкил этилган 64 та сиёсий мактабда 2200 киши ўқимоқда. Областьнинг илғор колхозларидаги партия ташкилотлари ғўза парваришни даврида ҳала шийпонларида сиёсий-оммавий ишларни қизитиб юбордилар.

Лекин колхозчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш соҳасида олиб борилган бу ишлар бешйиллик планни бажариш ва ошириб бажаришга оммани сафарбар қилишга қаратилган агитация ва пропаганда ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Агитация ва пропаганда соҳасидаги асосий камчилик — агитация ва пропаганданинг мазмунига, планли ва системали бўлишига, навбатдаги хўжалик вазифалари блан мустаҳкам боғланишига етарли даражада э'тибор қилмасликдан иборатдир.

ВКП(б) тарихи қисқа курсини ўрганиш тўгаракларининг ишларини олиб қарайлик. Жалақудуқ районида ташкил қилинган тўгаракларда тингловчилар билимларига қараб звеноларга бўлинган эмас. «Совой» совхозида тузилган бир тўгаракда оил ма'лумотилар ҳам, ибтидоий ма'лумотлилар ҳам бор. Бу аҳвол бир тўда тингловчиларнинг машғулотларга қизиқишини камайтирса, ба'зи бир ўртоқларнинг яхши ўзлаштиролмасликларига сабаб бўлади. Шунисе қизиқки, тўгаракларнинг кўпида машғулотлар мунтазам ўтказилмаётганлиги учун халқнга улар қисқа курснинг учинчи бобидан нарига ўтганлари йўқ.

ВКП(б) тарихи қисқа курсини мустақил ўрганучиларга системали ёрдам берилмайди, уларнинг ўқиши устидан назорат қилинмайди. Тўла бўлмаган ма'лумотларга қараганда 700 га яқин киши мустақил суратда ўқимоқда. Район партия комитетлари мустақил ўқучилар учун назарий конференциялар, семинарларни тартибли равишда ўтказиб турмайдилар. Шунинг натижасида бу ўртоқлардан кўпининг назарий савиялари паст. Андижон район партия комитетининг инструкторлари Мақсудов ва Ваҳобов мустақил ўқиётганликларини да'во қилаётган бўлсалар ҳам, энг оддий саволларга жавоб беролмадилар.

Ма'лумки, агитация ва пропаганда ишларини ривожлантириш соҳасида партия комитетлари агитация ва пропаганда ишларининг маркази бўлмоғи керак. Аммо, Андижон областининг Жалақудуқ, Олтинкўл, Избоскан, Андижон ва Ворошилов районларидаги партия кабинетлари бу вазифани бажаришдан анча узоқда. Бу партия кабинетларининг иш планлари йўқ. Партия кабинетларининг ходимлари ўзларининг асосий вазифалари блан шуғалланмайдилар. Партия кабинетлари малакали кадрлар блан та'минланган эмас.

Район партия кабинетларида кейинги вақтларда турли мавзу'ларда 500 га яқин лекциялар ўқилди. Бу яхши. Аммо, асосий э'тиборни лекцияларнинг сонига эмас, балки сифатига қаратиш керак. Лекторларнинг малакаларини муттасил ошира бориш, улар блан жиддий равишда шуғулланиш, лекторларнинг семинарларида айрим лекцияларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, лекторларга амалий ёрдам бериш керак.

Андижон область районларидаги партия комитетларининг агитация ва пропаганда бўлимлари район партия мактабларини планли суратда ташкил қилиш бу мактабларга коммунистларни ва партиясиз активларни тўла жалб қилиш масалаларига етарли даражада аҳамият бермайдилар. Марҳамат ва Олтинкўл район партия комитетларининг бу ишга сра э'тибор қилмай қўйганликлари орқасида партия мактаблари ёпилиб қолди. Ленин районидаги партия мактабларида машғулотларга тингловчиларнинг 50—60 процентигина қатнашади, халос.

Областьда пропаганда ва агитация соҳасидаги ишларда энг катта камчиликлардан бири, агитпунктларнинг кўп жойда қаровчисиз қолганлиги ва агитаторлар блан ишлашнинг ўз ҳолига ташланиб қўйилганлигидир. Чунончи, Ворошилов районида Губайдуллин, Ҳайдаров ва Қўзибоев ўртоқлар мудир бўлган агитпунктлар, район агитация ва пропаганда бўлимининг яхши э'тибор қилмаганлиги натижасида ёпилиб қолди.

Қишлоқларда сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш учун областьда минглаб ҳисобланган агитаторлардан тўла фойдаланиш керак. Бунинг учун биринчи навбатда агитаторларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш учун семинарлар ва суҳбатлар уюштириш, агитпунктларнинг ишларини қайтадан тиклаш лозим. Бу эса, район партия комитетлари агитация ва пропаганда бўлимларининг муҳим вазифасидир.

Колхозчилар оммаси ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш, агитация ва пропаганда ишларини ривожлантиришда область ва район газеталари олдида турган вазифалари жуда катта. Афсуски, Андижон область партия комитетининг органи «Коммунист» газетаси, агитация ва пропаганда масалаларини, раҳбар ходимларнинг ўз малакаларини ошириш учун нима қилаётганликларини системали равишда ёритиб бормайди. Ўз малакасини ошириш учун астойдил ҳаракат қилмайдиган, қунт блан ўқимайдиган раҳбарларни қаттиқ танқид қилиш, агитация-пропаганда ишлари ҳақида системали равишда ёритиш керак.

Омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, коммунистларни, партиясиз активларни фанларнинг фани бўлган Ленин—Сталин та'лимотлари блан тўла қуроллантириш масалаларига ҳозир ҳар қачонгидан кўра кўпроқ аҳамият бериш керак.

Ўртоқ Сталин ҳамма вақт билга, хўжалиқ соҳасидаги муваффақиятларимиз, бу муваффақиятларнинг мустаҳкамлиги партиявий-ташкилий ҳамда партиявий-сиёсий ишларнинг муваффақиятларига боғлиқ деб та'лим бермоқда. Андижон область партия ташкилоти Ўртоқ Сталининг мана шу та'лимотига тўла амал қилиб, агитация ва пропаганда ишларидаги камчиликларни тез фурасатда тугатмоғи, колхозчилар оммаси ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириши керак.

Ш. ШОМАДИЕВ.

ЎзК(б)П Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими секторининг мудири.

Сиёсий-оммавий ишга э'тибор берилмаётир

Юқоричирчиқ районидаги 12-нчи «Қорақалпоқ» совхози республикамизнинг энг катта мева совхозларидан биридир. Аммо, бу совхоздаги ишчилар, ва хизматчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар йўқлиги кишини таажжубга солади. Совхозда қизил чойхона ва қироатхоналар бор. Лекин бу чойхоналарда биронта плакат ёки портретни кўрмайсиз. Қироатхонада чанг босиб ётган эски китоблар ва бултурги газеталардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Совхозга ах'ён-ах'ёнда келиб қолган янги газеталарни ишчилар ўртасида ўқиб эшитдириш уюштирилмаган.

Совхозда 20 га яқин ВКП(б) а'зоси ва кандидати бор. Партия ташкилоти ҳам коммунистларнинг сиёсий савиясини ошириш соҳасида ҳеч иш қилмайди. Совхоз коммунистлари ВКП(б) тарихи қисқа курси ва Янги беш-йиллик план тўғрисидаги Қонунни ўргатмаётирлар. Совхозда ҳечқандай тўгарак уюштирилмаган, лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказилмайди.

«Қорақалпоқ» совхози бошланғич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Гусарев бўлса шу муҳим вазифага беғамлик блан қараб келмоқда.

С. ҒУЛОМОВ.

„ТОҲИР ВА ЗУҲРА“ ФИЛЬМИ ВЕНАДА

Июль ойининг бошларида Австрия пойтахти Вена шаҳрининг кўчаларидаги э'лон тахталарида, метро ва трамвай тўхтайдиган жойлардаги деворларга ёпиштирилган сон-саноқсиз хилма-хил рангли плакатлар, афишаларда: «Диққат! «Ифа» кино-театрида 22 июльдан бошлаб янги совет бадиий фильми «Тоҳир ва Зуҳра» кўрсатила бошлайди» дейилган. Тоҳир ва Зуҳранинг расми тасвирланган афишалар пайдо бўлди.

Кейинги вақтларда Венадаги ўнлаб кино театрларда намойиш қилинган «Цирк», «Шўх йигитлар», «Чапаев», «Чкалов» ва бошқа кўпгина совет бадиий фильмларини кўриб лаззат олган веналиклар бу янги фильмнинг кўрсатила бошлашини сабрсизлик блан кутдилар.

Ҳозир «Тоҳир ва Зуҳра» фильми Австрия кино-театрларидан бири бўлган «Ифа»да кунига уч сеансдан кўрсатила бошлади. Касса кундуз соат 2 дан очилишига қарамай, эрталабданоқ кино-театр эшиги олдида катта навбат пайдо бўлади. Вена тамошабинлари бу ажойиб бадиий фильмни такрор-такрор завқ блан тамоша қилмоқдалар.

«Тоҳир ва Зуҳра» фильми қўйилиши олдидан шаҳар паркида, Сталин номидаги майдонда, Марказий комендатура ёнида Узбекистон совет социалистик республикасининг ўтмишига ва Сталин замонасида гуркираб яшнаётган ҳаётига бағишланган фото кўргазмалар ташкил қилинди.

«Фунт унд филм» деган ҳафталиқ бадиий журналнинг 12 июльда чиққан 28-нчи сонида Совет Узбекистонига бағишланган махсус мақола ва фото-изоҳлар босилди.

Капитан Т. СОАТОВ.
Вена.

300-НЧИ ЛИНИЯДАН УЗЛУКСИЗ РАВИШДА ТЕМИР ЧИҚАРИЛАЁТИР

Узбекистон металлургия заводи прокат цехининг коллективи 300-нчи линиядан колхоз далалари учун плуг, сеялка, культиватор ва бошқа машинабоб илпоқ темир ишлаб чиқармоқда. Бу мусобақада старший мастер Ўртоқ Коваленко, бош вальцовчи Ўртоқ Шаропов, вальцовчилардан Исҳоқов, Топиев ва Ҳасанов Ўртоқлар олдинда бораётирлар.

Ҳозир заводда 78 киши техника ўқувини тугатди. Ўртоқ Жўланиёзов ўқишни а'ло баҳо блан тамомлаб, 9-нчи разрядли вальцовчи номини олди. Вальцовчилардан Қудратов, Абдуллаев, Рўзибоев, Ўртоқлар ҳам ўқишда яхши баҳо олиб, ҳозир 8-нчи разряд блан ишламоқдалар.

Ш. АЛИЕВ.

Ғўза парваришини йиғим-теримга тайёрлик блан боғлаб олиб борамиз

Пахта мўл ҳосили учун курашнинг асосий даврларини ўтиб, ҳозир энг сўнгги даврига кирдик. Бундан буён ғўза яна 15—20 кунгина парвариш қилинади. Лекин шу қисқа муддат ичида ғўза парваришини усталик блан ўтказиб, ҳосилга ҳосил қўшиш учун ердаги ўғитларнинг кучидан ғўзани етарли даражада фойдалантириш керак. Колхозимизнинг а'золари ғўза парваришининг охирги кунларида мана шунга катта э'тибор бериб ишламоқдалар.

Колхозимиз ўтган йили ҳар гектаридан 25 центнер пахта бериб, планни ошириб блан бажарган эди. Бу йил 140 гектар еримизнинг ҳар гектаридан 30 центнер пахта беришни устимизга олганмиз. Ўтган йили гектаридан 30 центнер ҳосил берган Мадазим Суннатов ва Далибой Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадалар гектаридан 40 центнер ҳосил бериш учун бир-бирлари блан социалистик мусобақа боғлашганлар. Ўртоқ Турсун Қорабоев бошлиқ звено 100 центнердан ҳосил бериш учун курашмоқда.

Колхозчиларимиз пахтанинг мўл ҳосилини қўлга киритиш учун бу йил ҳар ҳачонгидан ҳам яхшироқ ишладилар. 140 гектар ердаги ғўзамиз ҳозир 5 чопиқ қилинди. Мадазим Суннатов, Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 6-нчи культивация ва олтинчи чопиқ кетаётир.

Бу йил биз ерларимизни ма'дан ва маҳаллий ўғит блан кўпроқ озиқлантиришга алоҳида э'тибор бердик. Чигит экиш олдидан ҳар гектар пахта ерига 200 килограммдан фосфорли ўғит, 25 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Бундан ташқари қатор ораларини ишлаш вақтида ғўзага ҳар гектар ҳисобига 350 килограммдан ма'дан ўғит солинди.

Кўп миқдордаги ўғитлар ҳали ғўза тамирига яхши синган эмас. Шунинг учун биз колхозда ғўза қатор ораларини ишлашни август ойи охиригача давом этдирамиз.

Пахта еримизга кўп миқдорда ўғит солингани учун ғўзалар бир-икки марта ортиқ суғоришни талаб этади. Лекин, қатор орасини юмшатмасдан туриб, оқизилган сув ғўзага яхши фойда бермайди. Биз тупроқдаги ўғитнинг кучидан шу йилнинг ўзида етарли фойдаланиш мақсадида то пахта терими қизигунча суғоришдан олдин қатор ораларини культивация ва кетмон чопиғи қилиб юмшатамиз. Айрим жойлардаги ғўзаларимиз орасида ҳозир культиватор юриши ва кетмон чопиғи қилишни мумкин бўлмай қолди. Бундай жойларда колхозчиларимиз қўлларидан блан юриб чопиқ ўтказадилар.

Пахта ерларимизга ма'дан ва маҳаллий ўғит кўп солинган деб қараб турмасдан ғўза парваришининг охирги кунларида қатор ораларига ўғит солишни давом этдирмоқдамиз. Ҳозир колхозчиларимиз ҳосилот ҳалталарида далага ўғит чиқариб тўкмоқдалар. Бу ўғитлар суғориш вақтида ғўзага «шарбат» қилиб оқизилаётир. Ҳозир колхоз омборида ҳар гектар пахта ерига 150 килограммдан тўғри келадиган миқдорда ма'дан ўғит (селитра) бор. Бу ўғитни ҳам август ойи ичида ғўзага соламиз.

Пахтачиликни ривожлантиришнинг сталинча саккиз йиллик программаси блан қуролланган колхозчиларимиз бу йил пахтадан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳосил олишга ишонадилар. Ҳозир 140 гектар еримиздаги ғўзанинг ҳарбир тупи ўрта ҳисобда 6 тадан кўсаклаган. Бу — ҳар гектарига 25 — 30 центнер ҳосил қўлга киритилажагини кўрсатади. Лекин азамат колхозчиларимиз август ойи ичида ғўза парваришини куч-айтириб, ҳар тупда яна энг ками 4—5 кўсак олдириш ва колхоз бўйича гектаридан 30 центнер пахта бериш тўғрисидаги ва'даларини 40 центнер қилиб бажариш учун курашмоқдалар.

Ғўза парваришини давом этдириш блан бирга колхозда мўл ҳосилни йиғиб-терib олишга тайёргарлик ишларини ҳам қизитиб юбордик. 5 та бригадага пахта ташиш учун биттадан арава биркитиб, бу араваларни ремонт қилиб қўйдик. Ҳар бригадада иккитадан четан тайёрланди. Пахта ташишга алоҳида отлар ажратилиб, булар бригадаларда боқилмоқда. 7 та кичик, 2 та катта тарози ремонт қилиб, ёғлаб қўйилди. Бригадалардаги ва пахта пунктига борадиган йўллардаги кўприклар тузатилди. Йиғим-терим вақтида керак бўладиган «майда-чуйда» нарсалар—ип, жуволдизлар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Колхозда йиғим-теримга тайёрлик юзасидан бошқа ишларни ҳам тез кун ичида тамомлашга ҳаракат қилаётирмиз.

Йиғим-теримга яхши тайёргарлик кўриш натижасида ўтган йил кўп пахтанинг отбор ва биринчи сортга қабул қилинишига эришган эдик. Бу йил ҳам йиғим-теримга ҳар тарафлама пухта тайёрланиб, мўл ҳосилни терилган кунлан қолдирмай давлатга топшириш та'минлаймиз.

Ғанибой ИСМАТОВ.

Фарғона область, Каганович районидаги «Ҳаётимолёт» колхозининг раиси.

Тошкент область Ўртачирчиқ районидаги Ильич номли колхознинг орденли ўртоқ Замира Муталова бошлиқ звеноси бу йил ҳар гектардан 110 центнер пахта етиштириш учун курашмоқда. Звено пахта қатор ораларини ишлашни намунали уюштирган. Суратда (чапдан): ўртоқ Замира Муталова.

М. Шевелёв фотоси.

ПАХТА ПУНКТЛАРИ ЯНГИ ҲОСИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ЖАДАЛ ТАЙЁРЛАНСИН

Пахта пунктларига янги ҳосил кела бошлашига озгина вақт қолди. Колхозларга яхши хизмат қилиб, янги ҳосилни тез қабул қилиш пунктларнинг ўз вақтида тайёр бўлишига боғлиқ. Пунктларнинг бу йил ўтган йилга қараганда анча кўп пахта қабул қилиши ҳам буни талаб этади.

Бу вазифанинг аҳамияти ва муҳимлигига тушинган пахта пунктининг раҳбарлари ва ходимлари ишга астойдил киришиб, пахта пунктларини янги ҳосилни қабул қилишга намунали тайёрламоқдалар. Ўртачирчиқ район Қорасув пункти (мудири ўртоқ Махсумов) ўтган йилги пахтани ўз вақтида заводга жўнатиб, омборларни бўшатди. Натижада ремонтни эрта бошлашга имконият туғилди. Пунктдаги 10 омбор яхшилаб ремонтдан чиқарилди. Тарозиларнинг кам-кўсти тузатилиб мойлаб қўйилди. Пахтани қабул қилишга хизмат қилайган ҳамма нарса 5 августдаёқ битказиб қўлдан чиқарилди. Киров пахта пунктида (мудири ўртоқ Умаров) ҳам ремонт яхши сифат блан тез ўтказилди. Умуман Тошкент пахта заводига қарашли пунктлар янги ҳосилни қабул қилишга тўла тайёрланди.

Лекин, Тошкент область пахта тайёрлаш трестига қарашли пунктларнинг ҳаммасида ҳам янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлик кўнгилдагидек бораётир деб бўлмайди. Айниқса Оққўрғон районидаги Алимкент пахта заводи тайёрлик ишида чиқаб бўлмаслик даражада орқада қолмоқда. Заводга қарашли пунктлар ўёқда турсин, заводнинг ўзида ҳам тайёрлик ишлари ҳанузгача ўлда-жўлда ётади. Завод директори Умаров, тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Қобилов ўртоқлар завод ва пунктларни қабул мавсумига тайёрлашдек муҳим ишга беғамлик ва бепарволик блан қарамоқдалар. Айниқса Керовчи пахта пунктида ёмон аҳволга йўл қўйилиши ишнинг тобора орқага сурилишига сабаб бўлмоқда. Пункт мудири Абдуғаффоров ремонт ишини бошламай, машинатбозлик блан овора.

Бекобод район пунктларидаги ўтган йилги пахталар ҳалигача ташиб тамомланган эмас. Партия ва совет ташкилотларининг кўргазмалари бўлишига қарамай, район ташкилотининг раҳбарлари пахта пунктларини мавсумга тайёрлашга тегишли ёрдам бермаётирлар. Районнинг Узбекобод пункти ўтган йилги 4400 тонна пахтани ташиш учун транспорт блан етарли миқдорда та'миналанган. Аммо, пахтани ортиш учун ишчи кучлари йўқлиги ишни кейинга сурмоқда. Ишчи кучлари блан та'миналаш Бекобод район ижроия комитетига топширилган. Лекин район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Саидқўжаев ишчи кучлар блан ёрдам бериш ўрнига амалга ошмайдиган қарор чиқариш, алоқа қоғозлари ёзиш блан овора бўлмоқда. Бу ишда Узбекистон тўқимачилик саноати министрлиги ҳам айбли. Чунки министрлик, пахтани ташиш учун керакли қопни ҳанузгача бермаган.

Мирзачўл районидаги Золотая орда пахта пунктининг мудири Юнусқўжаев ўз вазифасига совуқ қараб, топшириқни жуда ёмон бажараётир. Пунктдаги пахта аллақачон ташиб олинган. Ремонтни жуда тез тамомлаш мумкин бўлгани ҳолда, иш ўзинбўларчиликка ташланиб қўйилиши орқасида ремонт тобора кечикмоқда.

Август, сентябрь ойлари мобайнида пахта пунктларининг ҳаммасидан ўтган йилги пахталар ташиб олиниши зарур эди. Аммо область пахта тайёрлаш трести ҳали бу ишни жадаллаштиргани йўқ. Бўка ва шу каби бошқа пунктларда ҳам кўп миқдорда пахта бор. Пахта пунктларининг омборлари бўшатилмай туриши бу ерларни ремонт қилишга ва пахта майдончаларини янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлаш учун ҳалал бермоқда.

Тошкент область пахта тайёрлаш трести, район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари пахта пунктларининг ремонтини кўрсатилган муддатда тамомлашга большевикча раҳбарлик қилиб, пунктларнинг янги ҳосилни қабул қилишга намунали тайёрланишини та'миналашлари лозим.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири)

Андижон ёғ заводи нега планни бажаролмай қолди?

Андижондаги 6-нчи ёғ заводи шу йилнинг март ва апрель ойларигача ишлаб чиқариш планини доимо ошириб бажариб, агар колхозлар қаторидан муносиб ўрин олган эди.

Бироқ, завод коллективи кейинги ойларда колхозликка тушиб қолди. Шу кунларда завод ҳар кеча-кундузда ишлаб чиқаришда лозим бўлган 49 тонна маҳсулотнинг фақат 65 процентга миқдорида маҳсулот чиқармоқда.

Заводнинг ўз шуҳратини йўқотиб қўйганлигига асосий сабаб нима? Унга сабаб шуки, завод (директори ўртоқ Аҳмаджонов) партия ва касаба ташкилоти қўлга киритилган дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаб қола билмадилар. Ишчилар орасида меҳнат интизомини сусайтириб юборилди. Улар агрономларнинг тажрибасини оммалаштиришга э'тибор бермай қўйдилар. Заводдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланишда ҳафсласиз бўлиб қолдилар. Ана шулар натижасида ишдан прогул қилиш ва сменадан барвақт кетиб қолиш ҳоллари тез-тез юз бера бошлади. Масалан, Баранова, Умурзоков, Тошматов, Мазаева, Кулагина каби ишчилар меҳнат интизомини жинояткорона равишда бузиб прогул қилиб юрадилар. Заводда бирнеча йилдан буён ишлаб келаётган Романова ўзбошимчалик блан ишдан кетиб қолган. Завод дирекцияси буларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаётир.

Ишчиларнинг яхши тажрибаларини оммалаштирмаслик, қолоқ ишчиларга ёрдам бермаслик ҳақида ҳам кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Совун пиширучи Собира Содиқова, прессчи Ҳусниддинов, слесарь Богданов ва бошқа ўнларча ишчилар доимо бир ярим-икки норма ишлайдилар. Аммо шуларнинг сменасида ишловчи бошқа ишчилар эса, топшириқни бажармайдилар. Чунки нормалар тажрибаси оммалаштирилмайди.

Завод раҳбарлари ишнинг ёмон аҳволга тушиб қолганлигига чигитнинг сифати пастлиги ва ускуналарнинг ишдан чиқиб қолганлигини сабаб қилиб кўрсатишга уринадилар. Холбуки, бу баҳоналарга ҳеч қанлай ўрин йўқ. Завод ҳамон аввалги нав'да бўлган чигит олади. Ускуналар ҳам унча ишдан чиққан эмас. Гап фақат коллективни сталинча беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қила билишда, холос. Завод раҳбарларига эса, ташкилотчилик ва тайёргарлик етишмайди.

Завод коллективи олдида бенихоя катта вазифа турибди. Шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб ҳар кеча-кундузда 330 тонна чигит ишлашга кўчиш, я'ни 55 тонна ёғ ва 10 тонна совун чиқариш, маҳсулот таннархини 10 процент пасайтириш, кунжара ва шелухада ёғнинг қолиб кетишини камайтириш йўли блан 120 тонна ёғ кўпроқ бериш. 200 киловатт соат электр қуввати тежаш ва меҳнат унумини 10 процент ошириш лозим.

Завод коллективи Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу мажбуриятларни қабул этган. Аммо бу мажбуриятлар ҳали қоғозгина қолиб келаётир. Завод директори Аҳмаджонов ва партия ташкилотининг секретари Каминецкий ўртоқлар эса, бу ҳақда сра ташвишланмай қўйдилар. Бу уларнинг ишга мас'улият сезмаслик ва беғамлик масалига мубтало бўлганликларини кўрсатмайдими?

Ш. СОТИБОЛДИ.

МАКТАБЛАРНИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРЛАШ ОЙЛИГИ

РЕМОНТ ИШЛАРИ ТЕЗЛАТИЛСИН!

(Мухбирлар хатига обзор)

ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг «Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашнинг бориши ҳақида» деб чиқарган қароридан сўнг кўп шаҳар ва районларда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари қизиб бормоқда. Лекин ба'зи районлардаги партия, совет ва халқ маорифи ташкилотлари бу ишга етарли аҳамият бермаётирлар.

Хоразмдан ўртоқ К. Раҳимов ёзади:

— Хоразм областидаги 348 мактаб биносидан 133 таси яхши ремонт, қолганлари эса, майда ремонт қилиниши керак бўлса ҳам, бу ишлар жуда суст бормоқда. Айниқса Шовот, Мангит ва Гурлан районларида мактаб ремонти, ёқилғи тайёрлаш ёмон аҳволда. Гурлан район халқ маорифи бўлими (мудири ўртоқ Ҳайитматов) ўтган йилги хатоларни такрорламоқда. Районда ўтган ўқув йили ёмон натижалар блан якунланди. 2004 ўқучи синфдан-синфга кўчмай қолди, 202 ўқучи кузги сиповга қолдирилди. Районнинг 32 мактабида ремонт ишлари кўнгилдагидек эмас. Эшмажирон қишлоқ советидаги Наримонов номли колхозда янги мактаб биноси қурилиши лозим бўлса ҳам, бу иш бошланмаган. Аўсимбой қишлоқ советидаги «1-нчи Май» колхоз мактаби (мудири Усмонов), 2-нчи Боғолон қишлоқ советидаги «Майда милиат» колхози ҳузуридаги мактабларда ремонт бошланмаган. Областнинг Янгиариқ ва Хонқа районларида ҳам ремонт ишлари яхши эмас. Ҳанузгача битта мактаб биноси ҳам тўла ремонт қилинмаган. Хонқа район Тамодурғалик қишлоқ советидаги мактабларда ремонт, ўтин тайёрлаш ишларига етарли аҳамият берилмаётир. Қишлоқда мактаблар учун 490 тонна ўрнига эндигина 60 тонна ўтин тайёрланди, холос. Хонқа районида ўқув ёшидаги болаларни рўйхатга олиш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ҳоразм область партия комитети ва область ижроия комитети, халқ маорифи бўлими янги мактаб қурилиши ҳақида жўда кам қайғирадилар. Шунинг учун ҳам бу иш ҳанузгача бошлаб юборилмаган.

Фарғона областидан М. Жўра ва Р. Фармонов ўртоқлар ёзадилар:

— Каганович район партия комитетининг бюроси июль ойининг бошида янги ўқув йилига тайёрликни қизитиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Шундан сўнг бирнеча мактабда ремонт тамомланди. Масалан, Қўдаш қишлоқ советидаги Ленин, Калинин ва Навоий номли мактабларда ремонт ишлари муддатдан аввал битказилди. Қишлоқда мактаблар учун ўтин тайёрлаш ва болаларни рўйхатга олиш ишлари бошланди. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда қишлоқ советининг раиси Отажонов, «Янги йўл» колхозининг раиси Маҳаминов, «Коминтерн» колхозининг раиси Қўшмоқов, «Ғаҳрат» колхозининг раиси Расулов ўртоқлар яхши намуна кўрсатдилар.

Лекин районнинг ҳамма қишлоқ советларида ҳам иш шундай яхши бораётир деб бўлмайди. Қўдаш ва Сочтепа қишлоқ советидаги колхозчиларнинг ишлари районнинг бошқа қишлоқ советларига ўхшамаётир.

Тошкент область, Пискент районидан ўртоқ А. Азизбеков шундай деб ёзади:

— Оқтепа қишлоқ советидаги колхозчиларнинг ташаббуси блан шу қишлоқ советидаги мактабларнинг ремонти асосан тугалланди. Муротали қишлоқ советидаги колхозчилар «Коммунизм» ва Каганович номли мактабларни ремонтдан чиқариш, мактабнинг бошқа ишларига ёрдам бериш учун куч ва вақтларини аямадилар. Ҳозир бу мактаблар янги ўқув йилига тайёр.

Лекин Керовчи қишлоқ советидаги «Қизил биринлик» ва М. Горький номли колхозлардаги бошланғич мактабларда, Саид қишлоқ советидаги «Интернационал» колхозининг тўлиқсиз ўрта мактабида, «Ғаҳрат», «Иккинчи бешйиллик» колхозларидаги ва «Большевик» колхози оғаятидаги Воронцов номли бошланғич мактабларда янги ўқув йилига тайёрлик ишлари жуда ёмон. Бу мактабларда ҳозирга қадар ремонт ишлари бошланмаган. Колхоз раҳбарлари — «Ғаҳрат» колхозининг раиси Тожиев, «Қизил биринлик» колхозининг раиси Ҳамроқулов, «Иккинчи бешйиллик» колхозининг раиси Расулов ўртоқлар «мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш маориф ходимларининг иши» деган зararли қайғиятга берилиб, ремонт ишларини кейинга суримоқдалар. «Қизил биринлик» колхозининг раиси Эргаш Ҳамроқулов эса, мактаб биносини ремонт қилиб бериш ўрнига, мактабни хизматчилар учун квартира қилиб берди. Натижада, шу мактабнинг бутун асбоб-ускуналари, ўқув қуроллари йўқолиб кетган. Бу мактаб етарли ўқитувчи кадрларга ҳам эга эмас.

Мактабларимизда янги ўқув йилининг бошланишига бирнеча кунгина қолди. Бу ўқув йилини кам-кўстсиз бошлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш эканлиги унутилмасин. Янги ўқув йилига тайёрланишда орқада қолаётган область, район ва қишлоқ советлари партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳада белгилаган талабларини сўзсиз бажаришлари, бу ишга кенг жамоатчиликнинг диққатини жалб этишлари зарур.

Ғўза ҳашаротларига қарши курашда аэроплан ёрдами

ЎзССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ бу йил Хоразм областидаги ғўзаларда пайдо бўлган ўргумчак канага қарши аэроплан блан неча юзлаб гектар ерга дори сепиш керак эди.

Аэроплан бир соатда камида 40 гектар ерга дори сепа олади. Бу соҳада катта тажрибага эга бўлган учучиқардан ўртоқ Бутурлиев Урганч районидаги ғўзаларини дорилашда катта маҳорат кўрсатмоқда.

Бироқ, Хоразм область техника экинлари бўлимининг бошлиғи Юсупов ва старший агроном Краснюк ўртоқларнинг ўтакетган фаолиятсизлиги орқасида аэропландан дорилаш ишни тўхтаб қолмоқда. Шу вақтгача Гурлан ва Хева районларида ғўза ҳашаротларига қарши сепилдиган заҳар-дори тайёрланиб келтирилган эмас. Шунинг учун бу районларда аэропландан дори сепиш ишга шу вақтгача ўтказилмади.

Область техника экинлари бўлими аэропландан фойдаланиб ҳашаротларга қарши курош пункти ташкил этиб, бунга ўртоқ Мерченкони бошлиқ қилиб қўйган. Бироқ бу пункт ҳеч қандай иш қилаётгани йўқ.

Натижада, аэроплан блан ғўзага дори сепиш ишн тўхтаб қолмоқда, ўргумчак канага ўхшаш ҳашаротлар эса, ғўзани кемиришни давом этдирмоқда.

Г. ЖАРКОВ.

ЯНГИ ХИЛ СЕЯЛКА

Чирчиқ-сельмаш заводининг конструкторлари янги хил чигит сеялка чиқариш устида ишлаётирлар. Улар ўз олдиларига шундай вазифа қўйганлар: сеялка экиладиган чигитни ғўнгга аралаштириб ерга солиши лозим. Ғўнг эса, эрта баҳорда уриб чиққан чигитни совуқдан ва қатқалоқлардан сақлаши керак.

Бундай сеялка чигитни барвақт экишга ва пахта ҳосилини оширишга имкон беради.

А. БЕРЕЗЕНКИН.

Мойли экинларга жиддий э'тибор берилсин

Сталинча тўртинчи бешйилликда Совет Иттифоқидаги меҳнаткашлар оммасининг маиший аҳволи янада юксак даражага кўтарилади. Ғолиб халқимизнинг турмуши урушдан илгаригига қарагандa бирнеча марта яхшиланади. Халқ озиқ-овқатдан 30 процентдан кўпроқ ошади. Аҳолини озиқ-овқат блан та'миналашдаги карточка системаси йўқ қилиниб, совет савдоси кенг йўлга қўйилади. Аҳолига а'ло сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш анча кўпайтирилади. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришни талаб этади.

Узбекистонда қадимдан экиб келинаётган мойли экинлардан бири кунжутдир. Кунжутдан 60 процентгача энг яхши мой чиқади. Кунжут мойи солиб тайёрланган овқат жуда тўйимли ва лаззатли бўлади.

Балиқ саноатида кунжут мойидан а'ло сорт консервалар тайёрланади.

Кондитер фабрикаларида кунжутдан энг яхши ҳалвалар пиширилади.

Узбекистон ҳукумати кунжут экинига алоҳида э'тибор бериб, 1947 йилда экиш учун 5.700 гектар суғли ер ажратди, гектаридан олинадиган кунжут ҳосилини 4 центнер белгилади. Бу унча катта эмас. Кўп колхозлар борки, улар ялмоғ ерга экилган кунжутнинг гектаридан 5 центнердан, суғли ерлардан 8—10 центнердан ҳосил олиб келадилар.

Узбекистонда экиладиган мойли экинлардан иккинчиси арахис (ер ёнғоқ)дир. Арахснинг мағзидан 57 процентгача энг яхши мой олинади. Усимлик мойлари ичида арахис мойи мазалиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Арахис мойи тиниқ сариғ ранги ва ҳуш таъ'ми бўлганидан уни консерва ва кондитер саноатлари жуда кўп талаб этади. Бундан ташқари, арахисни аҳоли бедом-паста ўрнида ҳам истеъ'мол этади.

Арахис Узбекистонда 1929 йилдан бошлаб экила бошланди. Шунга қарамасдан, бу экининг агротехникаси тез ўзлаштирилиб, мўл ҳосил олиш йўллари ўрганиб олинди. 1936 йилда Тошкент область, Қорасув районидаги «XVIII партсъезд» колхози арахисининг ҳар гектаридан 10 центнердан ҳосил олган эди. Шу райондаги Охунбобоев номли № 2 колхоз ўзининг 25—35 гектар арахис майдонининг гектаридан ҳар йили 20—25 центнердан ҳосил олиб келади.

ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитети 1947 йилда арахис экин майдонини урушдан илгаригига қарагандa 3 марта кўп қилиб тасдиқлади ва ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 8 центнердан белгилади.

Узбекистонда қадим замонлардан бери зиғир экиб келинади. Зиғир мойи овқатга истеъ'мол этилишидан ташқари яна саноат эҳтиёжлари учун ҳам ишлатилади.

1947 йилда шартли суғориладиган ва ламмикорлик бўлиб ҳаммаси 83 минг гектар ерга зиғир экилиши кўзда тутилади. Ҳар гектардан олинадиган зиғир ҳосили 3,5 центнер белгиланди.

Тажриба, зиғирдан ҳам анча юқори ҳосил олиш имконияти борлигини кўрсатади. Масалан, Ховос районидаги Дзержинский номли колхоз уруғ йилларигача ҳар гектар зиғирдан 7—8 центнердан ҳосил олиб келган эди.

Бутун Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган канакунжут экини ҳам Узбекистонда экилади. Канакунжут мойи медицинада ва саноатда истеъ'мол этилади. Шунинг учун ҳам канакунжутдан юқори ҳосил олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Канакунжутни 1947 йилда экиш учун белгиланган майдон арахис майдонидан икки марта кўп бўлиб, ҳар гектардан олинадиган ҳосил 5 центнердан тасдиқланди. Аммо, Тошкент қишлоқ районининг илғор колхозлари ҳар гектар канакунжутдан 10—12 центнердан ҳосил олиб келдилар.

СССР Министрлар Советининг «Колхозларда мойли экинлар майдонини тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш ҳақида» деб чиқарган қарорига биноан, Узбекистон ҳукумати тегишли қарор қабул этди. Бу қарорда мойли экинлар ҳосилини кўтариш чоралари тўла равишда аниқлаб берилди.

Кунжут, арахис ва канакунжут экиларига Узбекистоннинг энг яхши ерлари ажратилади. Бу экиларни агротехника жиҳатидан яхши парвариш қилиш ва машиналар ишлатиш осон бўлсин учун яхлит майдонлар белгиланади. Канакунжут блан арахис Тошкент областининг махсус бир районида экилади.

Мойли экинлар ҳосилини кўтариб, ҳосил планини ошириб блан бажаришда колхозчилар манфаатдорлигини ошириш учун 1946 йилдан бошлаб давлат мажбурияти ва МТС учун бериладиган натура ҳақларидан ташқари топширилаётган уруғлик зиғир ва кунжутнинг баҳоси оширилади.

Зиғир ва кунжут плани 10 процентгача ошириб бажарилса, ҳар центнерининг баҳоси 50 процент ортади ва 7 килограмм ўсимлик мойи, 8 килограмм кунжара берилади.

План 10 процентдан 25 процентгача ошириб бажарилса, ҳар центнер зиғир ва кунжут баҳоси 100 процент ортади ва 8 килограмм ўсимлик мойи, 16 килограмм кунжара берилади.

План 25 процентдан 50 процентгача ошириб бажарилса, ҳар центнер зиғир ва кунжут баҳоси 150 процент ортади ва 10 килограмм ўсимлик мойи, 20 килограмм кунжара берилади.

План 50 процентдан ортиқ бажарилса, ҳар центнер зиғир ва кунжут баҳоси 200 процент ортдирилиб, 10 килограмм мой ва 20 килограмм кунжара берилади.

Арахис плани 10 процентгача ошириб бажарилса, ҳар центнерининг баҳоси бир ярим марта, 10 процентдан ортиқ топширилса, икки марта кўпайтирилиб тўланади. Бундан ташқари, давлатга илгаридан ортиқ топширилган ҳар центнер арахис учун қат'ий давлат баҳосида 12 килограммдан ўсимлик мойи ва 10 килограммдан кунжара берилади.

Канакунжутга эса, унинг пландан ташқари топширилган ҳар центнери учун, планга кўра топширилган канакунжутга бериладиган мой ва кунжара икки марта кўпайтириб берилади. Бундан ташқари, канакунжутнинг ҳар центнери давлатга топширилаётган галлаининг 4 центнери ўрнига олинади. Агар канакунжут нав'дор уруғлик бўлса, 5 центнер галла ўрнига олинади.

Шу блан бирга давлатга топширилган канакунжут учун олинган пулнинг 50 процентига арзон баҳо блан газмол берилади. Пландан ортиқ топширилган канакунжут учун олинган пулнинг ҳаммасига, шунингдек топширилаётган канакунжут нав'дор уруғлик бўлса бунинг учун ҳам олинадиган пулнинг ҳаммасига газмол берилади.

Мойли экиларнинг парваришида саноатлашган йўл қўймаслик учун колхозларга кунжутни айрим звеноларга, бошқа мойли экиларни эса, далачилик бригадаларига бириктириш тавсия этилади. Бригадада эса экинлар звеноларга, звеноларнинг ичида ҳарбир звено а'зосига бириктирилиши керак. Булар ўзларига бириктирилган экин учун жавобгар бўлишлари лозим.

Бригада, звено ёки айрим колхозчи томонидан олинган юқори ҳосил учун, юқорида колхознинг умуман олган ҳосилидан қат'ий назар, уларга қўшимча меҳнат ҳақи колхоз томонидан давлатга мойли экин донлари топшириш плани бажарилганда кейин берилади. Ҳарбир бригада, звено ёки айрим колхозчининг қанча ҳосил олганлигини аниқ ҳисобга олиш учун уларнинг ўзларига бириктирилган участкаларидаги ҳосил ўрим-йиғими алоҳида-алоҳида ўтказилиши керак.

Мойли экиларни экилган область ва районларнинг партия, совет ташкилотлари ва ер бўлимларининг вазифаси ҳарбир колхозчига мойли экининг аҳамиятини, унинг ҳосилини кўтариш чораларини ва юқори ҳосил олишда улар учун бўладиган манфаатларни пухта тушунтиришдан иборатдир.

П. К. КРЮЧКОВА.

ЎзК(б)П Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг инструктори.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

10 август эрталабки ялпи мажлис

ПАРИЖ, 10 август. (ТАСС махсус мухбиридан). Конференциянинг бугунги эрталабки ялпи мажлисида Югославиянинг Албанияни маслаҳат овози ҳуқуқи блан чақириш тўғрисидаги таклифини муҳокама қилиш давом этди.

Польша вакили Ржимовский урушда Албаниянинг ғоят кўп талофот кўрганлиги ва албан халқининг фашист босқинчиларга қарши қаҳрамонларча олиб борган партизанлик кураши ҳақида гапирди. Ржимовский Албаниядаги партизанлик курашининг аҳамиятини пасайтиришга уринган Греция вакилининг да'воларини эга олиб, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги турли му'табар кишилар партизанлар блан мунтазам армияни бир-биридан тафавут қилганлигини айтди. Ўтган уруш йилларида партизаплар ҳаракати Европанинг босиб олинган мамлакатларини озод қилишда катта роль ўйнади. Польша делегацияси Югославия делегациясининг Албанияни Конференцияга маслаҳат овози блан чақириш тўғрисидаги таклифини қувватлайди.

Буюк Британия вакили Александер, менинг фикримча, Польшадаги партизаплар ҳаракати блан Албаниядаги партизанлар ҳаракати ўртасида катта фарқ бор, деди. Александер Бирнининг Албанияни чақириш тўғрисидаги масаласи Конференция Бош комиссиясининг муҳокамасига ҳавола қилиши ҳақидаги таклифига қўшилди.

Греция вакили Цалдарис албан халқининг қаҳрамонона кураш олиб борганлиги тўғрисидаги ҳаммага ма'лум бўлган фактларни қасдан бузиб тасвирлаб, Албанияга қилган кечаги ҳужумларини такрорлади.

Чехословакия делегациясининг вакили Албанияни иттифоқчи давлат деб қараш кераклигини та'кидлади. У, албан партизанларининг қаҳрамонона курашини акс этдирган ва сра рад қилиб бўлмайдиган жуда кўп фактлар борлигини айтди. Чехословакия вакили Югославия делегациясининг таклифини очиқроқ қилиб баён этиш кераклигини кўрсатиб, Албания тартибот қоидаларида айтилган шартларга мувофиқ, Конференция пленуми ва комиссияларида ўз фикрини баён этиш учун чақирилсин, деб таклиф қилди.

М. ПЬЯДЕ СУЗИ

Югославия делегациясининг вакили М. Пьяде ўз нутқида Греция вакили Цалдарисининг сўзига тўхталиб ўтди. «Биз,— деди Пьяде, —узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун бу ерга тўпландик. Ҳақиқатни яширишга ҳақимиз йўқ. Ҳақиқат эса қуйидагилардан иборат: Греция делегацияси эски сиёсий йўлга амал қилмоқда. Илгари Болқон мамлакатларидаги монархиялар шу эски йўлга амал қилган эдилар ва бу йўл Болқон давлатлари ўртасида жуда кўп уруш чиқишига сабаб бўлган эди. Ёлғиз Грециядан ташқари Болқондаги ҳамма давлатлар бу урушдан кейин ана шу ярамас сиёсий йўлни рад этдилар».

Пьяде ўтмишда Албания ерни бўлиб олиш масаласи Болқон мамлакатларида ҳарбий тўқнашларнинг келиб чиқишига кўп марта сабаб бўлганлигини айтди. Пьяде сўзини давом этдириб бундай деди: «Болқон мамлакатлари ўртасида, хусусан Югославия блан Албания ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатилиши Болқон мамлакатларида илгари доим давом этган урушнинг олдини олишга бирдан-бир имкон берадиган чора, деб ҳисоблаймиз. Югославиянинг Албания блан тузган шартномаси бундай дўстликка асосдир. Бу шартнома ҳар икки мамлакат ўртасида дўстона иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантиришга йўл очади».

Аммо,—деди Пьяде,—Греция ҳукумати ҳалокатли бўлган эски сиёсий йўлдан воз кечмади. Бундан бирнеча кун аввал Палларис Югославия вакилларига Албанияни Греция блан Югославия ўртасида тақсим қилишни таклиф этди.

Югославия ҳукумати бу таклифни албатта рад қилди.

Югославия вакилининг бу гапи Конференцияда ҳамманинг э'тиборини жалб этди.

Югославия вакили сўзини давом этдириб, қуйидагиларни айтди: Грециядаги кишиларнинг уруш сабоқларидан кейин Албанияни бўлиб олиш Болқон мамлакатларида тинчлик ўрнатишга имкон бермай, балки, аксинча, янги урушлар келиб чиқишига сабаб бўлажагини ҳали ҳам тушинмоқда эмаслар. Бу фожиали бир ҳолдир. Ҳамкорлик ва бир-бирларининг фикрларини англаш сиёсатигина Болқон мамлакатларида тинчлик бўлиши учун мустаҳкам асос яратолади. Албаниянинг эркин ва мустақил бўлиши шундай тинчликнинг энг зарур шартидир.

Пьяде сўзининг охирида Америка Қўшма Штатлари вакили Бирнининг сўзига таажжубланганлигини билдирди. Бирнс Албанияни чақириш масаласини Бош комиссиянинг муҳокамасига топшириш таклиф қилган эди. Пьяде шуни эслатиб ўтдики, Югославия делегацияси тартибот комиссиясининг мажлисида Албанияни чақириш масаласини кўтарганда, бу масала Конференция пленумида ҳал қилиниши керак, деб айтган эдилар. Масала пленумда кўтарилаётган ҳозирги пайтда, бу масалани Бош комиссиянинг муҳокамасига топшириш керак, деб айталилар. «Мен,—деди Пьяде,—агар биз бу масалани Бош комиссия мажлисига қўядиган бўлсак, яна бошқа жойга мурожаат қилинг деган гаплар бўлмаслигига ишонмайман. Югославия делегацияси, Албанияни чақириш масаласи Конференция ялпи мажлисининг ишидир, деб ҳисоблайди».

Шундан кейин, совет делегациясининг вакили Вишинский сўзлади.

А. ВИШИНСКИЙ СУЗИ

Совет делегацияси,—деди Вишинский, —бу минбарда турли делегацияларнинг вакиллари томонидан баён қилинган масалаларга тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайди. Мен даставвал, Буюк Британия делегациясининг вакили Александер жаноблари нутқининг Албания халқи томонидан олиб борилган партизанлик кураши тўғрисидаги масалага таллуқли бўлган қисми тўғрисида сўзлашни истар эдим. У бу масалани Польшадаги партизанлик курашига боғлади ва, Польшадаги партизанлар ҳаракати блан Албаниядаги партизанлар ҳаракати ўртасида ма'лум ҳаражала фарқ бор, деб та'киллади. Александер, Польша 1939 йилдан буён фашизмга қарши курашиб келди,—деди. Бу курашда Польшанинг аскарлари, денгизчилари, учучилари, партизанлари қатнашди. Бу жиҳатдан Александернинг гапи тўғри. Бу факт, бу рад этиб бўлмайдиган бир факт. Поляк халқининг буюк тарихий хизмати ҳам шунда. Аммо поляк халқининг хизматини ҳаққоний суратда э'тироф қилган ҳолда, нима учун Албаниядаги партизанлар ҳаракатининг аҳамиятини пасайтириш керак? Агар вақт масаласи тўғрисида гапирадиган бўлса, Албаниядаги партизанлар ҳаракати Польша партизанлари кураш бошлагандан кўп вақт илгари бошлаганлиги ма'лум Албаниядаги партизан отрядлари 1939 йилнинг апрель кунларидаёқ итальянларга зарба берган эдилар.

Александер жаноблари бошқа мамлакатлардаги ва Польшадаги партизанлар ҳаракати масаласи қўйишга асос беради, Албаниядаги партизанлар ҳаракати бунинг учун ҳеҳқандай асос бермайди, деган далил блан Югославия делегациясининг таклифига қарши э'тироз билдиради. Шуни э'тироф қилиш керакки, Александер жаноблари келтирган бу далили жуда заифдир. Бу далилгина эмас, балки бошқа далиллар ҳам жуда заифдир.

Ма'лумки, Албания Европада фашист агрессиясининг дастлабки қурбонларидан биридир. Ўша вақтдаги қирол Аҳмад Зогу ҳукумати Албанияни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. Аммо, ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу қаҳрамон халқ ўз раҳбарларини топди, ўз қаҳрамонларини етиштирди, ажнабий босқинчиларга қарши кураш байроғини кўтарди ва душманнинг сон жиҳатидан кўп бўлган кучларига қарши муваффақиятли курашди. Кичик албан халқи ўз қат'ияти блан ва ҳуррият-парвар миллатларнинг ишига содиқ бўлиши блан қаҳрамонона кураш тарихида ва иттифоқчилар блан биргаликда умумий душман устидан қозонилган ғалаба тарихида шонли саҳифалар очди.

Албан халқи 1939 йилда босқинчи итальян қўшинларининг Албания территориясига туширишига қарши қурол ёрдами блан курашди. Қирол Зогу халқни босқинчиларга бўйсунишга да'ват қилган бўлса ҳам, албанлар қуроллаялилар ва имконият бўлган ҳамма жойда душманнинг орқа томонига ва душманга рўпарадан ҳужум қилдилар.

Мен атиги бирнеча факт келтириб ўтаман. 1939 йилнинг 5,6 ва 7 апрелида 15 минг албан ватанпарвари Дурапио, Волона шаҳарларида ва Адриатик қирғоғидаги бошқа бирқанча жойларда итальян фашистларига қарши қаҳрамонларча жанг қилди. Фашистларнинг ҳарбий кучлари қўзғолон қилган ватанпарварларни бостирган бўлса ҳам, кураш давом этаберди. 1939 йилда Албания босиб олинган дастлабки кунлардаёқ Албания тоғларида 3 минг кишидан ортиқ аскари бўлган бешта партизан отряди фашизмга қарши курашди. Бу унча катта куч эмас, аммо бу куч кичик албан халқининг ажнабий босқинчиларга кейинчалик берган қаттиқ зарбаларнинг бошланиши эди.

Босқинчилар албан халқининг курашга бўлган иродасини қақшатолмадилар ва қақшатолмас эдилар. Итальянлар томонидан тузилган квислингчи ҳукуматлар бирин-кетин иста'фо бердилар, чунки улар халққа қарши ҳукуматлар эди ва шу сабабдан халқдан ҳеҳқандай ёрдам кўролмадилар. Босқинчиларнинг шаҳарларни ва катта марказларни қамал қилиши халқнинг газабини кучайтирди, халос. Одамлар тоғларга чиқиб янги партизан отрядлари тузилдар, душманнинг алоқасини, алоқа йўлларини бузидар, аскарларини ўлдирдилар. 1941 йилда Албаниядаги партизанлик кураши кенг тус олди.

1942 йилда 40 та партизан отрядида 10 минг киши бор эди. 1944 йилда албан халқининг 70 минг солдат ҳам офицери бўлган мунтазам армияси душманга қарши курашди. Албан халқининг герман ва итальян фашист қўшинларига қарши олиб борган кураши тўғрисида гапирар эканмиз бу фактларни унутиш ярамайди, уларни ҳисобга олиш керак бўлади. Бу ерда ўз мамлакатларини итальян ва немис агрессорлар томонида туриб бирлашган миллатларга қарши урушишга мажбур қилган ҳукуматлар учун мамлакатнинг жавобгарлиги тўғрисида гапирар эканлар, халқ ҳаракатининг кучини э'тиборга олиш лозим.

Гитлер Германиясига, Муссолини Италиясига қарши курашда иттифоқчи давлатларнинг умумий ишига албан халқининг ҳисса қўшганлиги шубҳасиздир. албан халқи иззат-ҳурматга сазовордир.

Кеча бу ерда Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматларининг албан халқи томонидан олиб борилган бу курашга қандай баҳо берганликларини айтдилар. Мен совет ҳукуматининг бу курашга қандай баҳо берганлигини эслатиб ўтишни истар эдим. Бу ҳол совет ҳукуматининг ўша вақтларда Албанияга нисбатан тутган йўлини изчиллик блан сақлагани ҳолда, нима учун ҳозирда ҳам Албанияга ҳайриҳоҳ эканлигини яхшироқ тушиниш имконини беради.

Совет ҳукумати 1942 йил декабрь ойида албан халқининг ўз мустақиллиги учун олиб борган кураши Италия томонидан эзилган Болқондаги бошқа халқларнинг озодлик йўлидаги кураши блан қўшилиб кетажагига, бу халқларнинг барча ҳуррият-парвар халқлар блан биргаликда ҳаракат қилиб, босқинчиларни ўз юртларидан ҳайдаб чиқаражакларига ишонганлигини билдирган эди.

Бу сўзлар тамомила тўғри чиқди. Албан халқининг кураши барча ҳуррият-парвар халқларнинг золимларга қарши кураши блан қўшилди ва ғалабага олиб келди. Ҳозирги Греция ҳукуматининг вакили Цалдарис жаноблари бу минбарга чиқиб, Албания иттифоқчиларнинг ажнабий душманга қарши олиб борган курашида қатнашмади, деб Албанияга туҳмат қилишга уринмоқда. Агар Цалдарис жаноблари нутқини таҳлил этадиган бўлсак, унинг ҳарбир сўзи фактларга тамомила қарама-қарши эканлигини билиш осон.

Масалан, Цалдарис, Албания ҳеҳқандай қаршилик кўрсатмай, ўз мамлакатининг итальян қўшинлари томонидан забт қилинишига йўл қўйиб берди, деди. Бу нотўғри гап! Мен ҳозиргина келтирган фактларни эсга рад этиш мумкин эмас. Албан халқи олти йил мобайнида босқинчиларга қарши курашиб келди ва бу курашни ғалаба блан тугаллади. Палларис жаноблари Албания деган сўздан Албания ҳукуматини, я'ни итальянларга итоат блан хизмат қилган илгариги албан ҳукуматини тушинади, аммо бу ҳукумат албан халқи эмас. Ҳукумат халқнинг ўзгинасидир, ҳукуматнинг кўрадиган чоралари халқнинг чораларидир, деб ҳамма айтиш мумкин эмас. Ана шу икки ҳил тушинчани бир-бирига ўхшатиш ярамайди. Греция ҳукуматининг вакили бўлган Цалдарис жаноблари, бу нарса бошқа кишилардан кўра, сизга яхшироқ аён бўлиши керак (олқишлар).

Цалдарис жаноблари мана шу му'табар минбарда туриб, Албания халқи агрессорларга ўз ихтиёри блан ёрдам берди, деб айтишга жур'ат қилди. Хўш, фактларингиз борми! Сиз ҳатларингизда қалдайдир кишилар Грециянинг 16 граждания ўз территориясига олиб кетганлар, деган далилни келтирдингиз. Агар бундай фактлар блан ҳисоблашиладиган бўлса, у ҳолда Греция чегарасидаги низо'ларни кўрсатадиган жуда кўп фактларни келтириш мумкин. Бу фактларга қараганда, Греция жандармлари ва чегара соқчилари кўп кишини Греция территориясига олиб кетганлар, шу блан бирга бу кишиларнинг тақдири ҳеҳма бўлганлиги ҳам ма'лум эмас.

Цалдарис жаноблари албан халқининг ирадасини тушириш учун албан армиясининг асосий ташкилоти бўлган партизанлар ҳаракати, я'ни антифашист халқ ҳаракати йўқ эди, деб да'во қилишга уриниб кўрди. У, иттифоқчилар Германияда қилганлари каби Албанияда халқ ҳаракатини вужудга келтиришга интилган эдилар, деди. Бундай мулоҳаза ҳеҳқанлай танқиднан тубандир.

Палларис жаноблари ҳатто Албаниядаги мунтазам қўшинлар ҳам иттифоқчилар томонидан тузилган эди, деб даво қилишга уринади. Агар Палларис жаноблари Греция тўғрисида шу гапларни айтганида, мен баҳслашиб ўтирмас эдим (олқишлар), аммо Албания тўғрисида шу гапларни айтиш ҳақиқатни қўпол равишда бузиб баён қилиш демакдир. Ниҳоят, Цалдарис жаноблари Молотов жаноблариниг, жиноятчиларни жазосиз қолдириш — агрессиядан жафо чеккан давлатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан воз кечишдир, деб айтган гапларга таянмоқчи бўлди. Молотов жанобларининг бу гапи тамомила ҳаққонийдир. Биз жавобгарлик масаласига таллуқли бўлган ҳамма масалаларда шу фикрда турамиз. Аммо бундан Цалдарис жаноблари чиқарган хулосани чиқариш ярамайди, я'ни жавобгарлик масаласида ҳамма нарсани бирга қўшиб юбориш — албан халқини ҳам, албан ҳукуматини ҳам, бир мамлакат бўлиши Албанияни ҳам бир-биридан асло фарқ қилмай бирга қўшиб юбориш ярамайди.

Мен сўзимнинг охирида инглиз делегациясининг Албанияни чақириш масаласини Бош комиссия муҳокамасига топшириш ҳақидаги таклифига тўхталиб ўтмоқчи бўламан. Бу масалани нима учун Бош комиссияга топшириш керак? Бош комиссиянинг ўзи нимадан иборат? Конференциямизнинг устави бўлган тартибот қоидаларида Бош комиссия Конференциянинг ишига ёрдам бериши, турли комиссияларнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб бориши керак, дейилади. Аммо, бу ерда ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш тўғрисида ҳам, комиссиялар тўғрисида ҳам гап борааётгани йўқ. Биз жиддий ва принципиал масалани муҳокама қилмоқдамиз. Бу масалани Конференциянинг ўзи ҳал қилмоғи керак. Шу сабабдан совет делегацияси Албания масаласини Бош комиссияга топширишга қаршидир.

Совет делегацияси, Албания масаласини бу Конференцияга қатнашишга рухсат берилишини сўраётган бошқа мамлакатлардан аввал ҳал этишни талаб қилмоқда, деб айтмоқдалар. Бу гап ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки совет делегацияси рўзномага Албания масаласи қўйилган экан, бу масалани шу ерниг ўзида ҳал қилмоқ керак, бу масалани ҳал этишга йўл қўймаслик учун бошқа бирқанча масалаларни унга боғламаслик керак, дейди, халос.

Совет делегациясининг фикри шундан иборатки, модомики, масала рўзномага қўйилган экан, унинг ҳал этилишини истаймиз. Биз оппонентларимиз эса, бу масала сарлф рўзномага қўйилган бўлса ҳам, уни ҳал этмаслиги таклиф қилмоқдалар. Агар улар ма'лум манфаатларни кўзда тутиб шундай қилаётган бўлсалар ва бу ишни мантиқий деб ҳисоблаганлар, марҳамат этиб, истагингизни қилишингиз мумкин. Биз буни нотўғри деб ҳисоблайдиг ва унга ҳарши э'тироз билдирамиз.

Мучозара давом этади.

Вишинскийнинг ғоят асосли далиллар келтирилган нутқи вакилларга зўр та'сир қилди ва Албанини Конференцияга чақириш масаласида бирқанча делегация нуқтаий назарининг яқинлашишига ёрдам берди. Америка Қўшма Штатларининг вакили Бирнс бу масалани Бош комиссияга топшириш тўғрисидаги таклифини қайтиб олди. Чехословакия делегацияси таклиф қилган асосда қарор лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Америка Қўшма Штатлари ва СССР делегацияларининг вакиллари бу лойиҳани ёқлаб гапирдилар. Бу қарор лойиҳасида қуйидагилар айтилади: «Конференция Албания, Мексика, Куба ва Миср Конференцияда ҳам, комиссияларда ҳам Италия блан тузиладиган ва ўзлари манфаатдор бўлган сулҳ масалалари тўғрисида ўз фикрларини айтишлари учун уларнинг вакилларини чақирди».

Совет делегациясининг вакили Вишинский масала равшан бўлганлиги сабабли музокараларни тўхататишни ва бу қарор лойиҳасини овозга қўйишни таклиф этди. Буюк Британия делегациясининг раҳбари Александер ва Эватт (Австралия) тўсатдан бу таклифга кескин суратда қарши чиқдилар. Улар мучозарани давом этдиришни талаб қилдилар. Шунга биноан совет делегацияси музокараларни тўхатиш тўғрисидаги таклифини қайтиб олди.

Бу масаланинг муҳокамаси 12 август душанба куни давом этдирилади.

10 август кечки ялпи мажлис

ПАРИЖ, 10 август (ТАСС махсус мухбиридан). Бугун кечки ялпи мажлисда Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг лойиҳаси тўғрисида Италия делегациясининг мулоҳазалари эшитилди.

Мажлис бошида Конференция раиси Бидо бош секретарь фук Люпарклса Италия делегациясини мажлис залига олиб киришни таклиф қилди. Делегация а'золари ўзларига ажратилган жойга келиб ўтирдилар. Шундан кейин, Италия делегациясининг раҳбари Италия бош министри де Гасперига сўз берилди.

Де Гаспери Сулҳ конференциясида қатнашаётган мамлакатларга қарши душман бўлиб урушган Италия вакили сифатидагина эмас, балки демократ, антифашист сифатида, халқлар ўртасида ижодий иш учун шароит тайёрлайдиган мустаҳкам тинчлик ва ҳамкорликка интилаётган янги республикапинг вакили сифатида ҳам Сулҳ конференцияси минбарида гапираётганлигини айтди.

Де Гаспери Ташқи ишлар министрлари кенгаши тайёрлаган сулҳ шартномасининг лойиҳаси тўғрисида Италия делегациясининг мулоҳазаларини баён қилиб, бундай деди: Италия ҳукумати шу сулҳ шартномасининг лойиҳасини Италия учун жуда оғир деб ҳисоблайди. Де Гаспери шу фикрини қувватлаб, тузилаётган сулҳ шартномаси ҳақида шундай руҳда гапирди, гап фашистлар Германияси блан иттифоқ бўлиб урушган ва агрессияда қатнашганлиги учун жавобгар бўлган мамлакат тўғрисида бораётганлигини тушиниш қийин эди.

Италия бош министри даставвал Италия блан чегаралош давлатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун кўрилаётган чораларга қарши э'тироз билдирди. «Сулҳ конгрессида, — деди у, — яроғсизлаш ва, уруш қуроллари тўғрисида гапириш жуда қўнгилсиздир. Аммо, мен улар тўғрисида шунинг учун эслатиб ўтишим керакки, шартномада Италия томонидан бўладиган хавфлар тўғрисидаги гапларга шундай катта ўрин берилганки, ўзимизни ҳимоя қилиш имкониятларимиз жуда қийинлашиб қолган. Бизнинг мустақиллигимиз ўзимизни ҳимоя қилиш учун керакли ана шу имкониятларга боғлиқдир. Ҳозирги замон тарихида уйимизнинг эшиклари шу қадар очилмаган эди ва ўзимизни ҳимоя қилиш имкониятлари бу қадар чекланмаган эди. Бу гап шарқий чегараларимизга, шунингдек ғарбдаги чегараларимизни бирмунча тузатишга таллуқлидир. Чегара ҳақидаги масалалар, шубҳасиз, коллектив хавфсизлик принципларига доир эмас.

Де Гаспери урушнинг сўнгги даврида Италиянинг фашистлар Германиясига қарши кураш даги иштироки ҳақида батафсил гапириб, Италиянинг бу иштироки сулҳ шартномасида етарли даражада акс этдирилмаган, деди.

Де Гаспери ўз сўзида Министрлар Кенгашининг Юлия ўлкаси ва Триест тўғрисидаги масалалар юзасидан чиқарган қарорини танқид қилиб кўп гапирди. Де Гаспери ўз норозилигини давлат ибот қилишга интилди. У, Италия блан Югославия ўртасидаги чегара Вильсон чизиғи деб аталган чизиқдан ўтиши керак, деб талаб қилишдан иллади. Ма'лумки, Вильсон чизиғи Юлия ўлкасининг асосий қисмини, шу жумладан Триестни ва бошқа энг муҳим шаҳарларни Италия ихтиёрида қолдиради. Де Гаспери Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши бу масалада Италиянинг тутган йўлини қувватламаганлигини айтиб, Конференцияга шикоят қилди ва илгариги Италия мустамлакаларининг тақдири тўғрисидаги масала бир йилга кечиктирилгани каби, Юлия ўлкаси тўғрисидаги масалани ҳал этишни ҳам бир йилга кечиктириш керак деб таклиф қилди. Иккинчи томондан, сулҳ шартномаси лойиҳасидаги иқтисодий моддаларни де Гасперининг менсимаганлиги яққол кўринди. Ма'лумки, инглиз ва америка делегацияларининг Италия олдига қўйган бирқанча иқтисодий талаблари оғир бўлганлиги сабабли, бу моддалар ҳал этилмай қолган эди, совет делегацияси бу моддаларга қўшилмаган эди. Италия бош министри бу масалага жуда эз тўхтаб ўтди ва сўнг иккинчи даражали масалалар тўғрисида гапирилаётган тарда сўзлади.

Де Гаспери ўз баёнотида сулҳ шартномаси лойиҳасининг 69-нчи моддаси тўғрисида гапирди. Бу модда ҳарбир иттифоқчи давлатга итальянларнинг чет элларидаги ҳамма мол-мулкларини олиш, сақлаш, тутатиш ҳуқуқини берди. Де Гаспери ҳеч суриштирмай бундай моддани амалга оширилиши Италиянинг экономикаси учун оғир оқибатларга сабаб бўлур эди, деди.

Де Гаспери, Италия блан иттифоқчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бир-бирларининг фикрларини англаш руҳида ҳал этилиши лозим, деб талаб қилди. 1943 йил 13 октябрьдан кейин, я'ни Италия иттифоқчилар томонида бўлиб, Германияга қарши уруш ҳаракатларида қатнаша бошлаган вақтдан э'тиборан иттифоқчи қўшинларни боқиш учун мўлжалланган ҳаражатларни ярим даври учун мўлжалланган оккупация чиқимлари деб қараб бўлмайди. Гап Италия фронтидаги уруш ҳаракатларини та'минлаш учун керакли ҳаражатларни бирга-ликда тўлаш тўғрисида боради.

«Репарацияларга келганда, — деди де Гаспери, — биз зарур қурбонлар беришга тайёрмиз, аммо Италия экономикасининг нома'лум вақтгача оғир аҳволда қолдирилишига рози бўлолмаймиз».

Де Гаспери айтдики, Италия ҳукумати Министрлар Кенгашининг Италияга қарашли мустамлакалар тақдирини бир йилдан кейин ҳал этиш керак ва мазкур муоталмалакалардаги ҳарбий ма'мурлиятнинг ҳозирги усул идорасини давом этдириш керак, деб чиқарган қарорига э'тироз билдирмайди.

Де Гаспери ҳарбий масалалар устида тўхталиб, Италия вакиллари бу тўғрисдаги мулоҳазаларини эксперт комиссияларида баён қилажакларини айтди. У, урушнинг кейинги даврида немисларга қарши курашда қатнашган Италия флоти, Италия ҳукуматининг фикрича, ҳарбий ўлжа деб қаралиши мумкин эмас, дейиш блан чекланди. Аммо, — деди де Гаспери, — бундан, флотни асл ҳолига келтириш ёки товон ҳақи тўлаш учун фойдаланиш мумкин эмас, деган ма'но келиб чиқмайди.

Де Гаспери сўзининг охирида, Италия республикасига умумий тинчликни барпо қилишга қатнашиш имконияти берилсин, деб илтимос қилди.

Де Гаспери ўз сўзини тамомлагандан кейин, Бидо бош секретарьни чақириб, Италия делегациясини узатишни таклиф қилди. Италия делегацияси мажлис залидан чиқиб кетди.

Шундан кейин Югославия делегациясининг бошлиғи Кардель сўзга чиқиб, Италия томонидан айтилган мулоҳазалар тўғрисида ўйлаш ва фикр юритиш учун вакилларга фурсат бериш зарурлигини айтди ва де Гаспери баён қилган декларациясининг муҳокамаси навбатдаги мажлисга кўчирилсин, деб таклиф этди. Бу таклиф қабул қилинди.

Конференциянинг навбатдаги ялпи мажлиси 12 август душанба куни бўлади. Мажлисинг рўзномасида қуйидаги масалалар бор: Албанини Конференцияга чақириш масаласини муҳокама қилиш, Конференциянинг секретариати тўғрисидаги масалани ҳал этиш, Конференциянинг рўзномасини тайёрлаш тартибини белгилаш ва Италия баёнотини муҳокама қилиш.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ РАҲБАРИ УРТОҚ В. М. МОЛОТОВ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

ПАРИЖ, 10 август (ТАСС). Кеча, 9 августда Париж Сулҳ Конференциясидаги совет делегациясининг раҳбари, СССР Ташқи Ишлар Министри ўртоқ В. М. Молотов Париждаги совет элчихонасида чет эл делегациялари шарафига қабул маросими ўтказди. Бир минтга яқин ажнабий арбоблар, шу жумладан, Америка делегациясининг раҳбари Бирнс, Англия делегациясининг раҳбари Александер, шунингдек Париж Сулҳ Конференциясида қатнашаётган бошқа ҳамма делегацияларнинг раҳбарлари совет делегациясида меҳмон бўлдилар. Қабул маросимида Франция Министрлар Советининг Раиси Бидо, Франциялнинг сиёсий арбобларидан Торез, Дюкло, Эррио ва бошқа кўп кишилар, шунингдек Франция интеллигенциясининг жуда кўп намояндалари ҳам ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида совет ҳукумати томонидан СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари А. Я. Вишинский, Украина делегациясининг раҳбари Д. З. Мануильский, Белоруссия делегациясининг раҳбари К. В. Киселев, СССР, Украина ССР ва Белоруссия ССР делегацияларининг а'золари. СССР элчиларидан Богомолов, Гусев, Новиков, Костилевлар ҳозир бўлдилар.

ЭРНСТ ТЕЛЬМАННИ ЎЛДИРГАН КОТИЛ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

БЕРЛИН, 9 август (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси «Вестдейче фолькоэхо» газетасининг хабарини босиб чиқарди. Бу хабарда айтишича, антифашист ишчиларнинг хуш'ёрлиги натижасида, Тельманни ўлдирган қотиллардан бири қамоққа олинган. Бунда гап жиноятчиликда ном чиқарган Мюллер тўғрисида бораётир. Бухенвальд қамоқ лагеридаги эсэсчилар учун крематорияда ишлашни топшиғанлар. Бу жиноятчи, юзларча антифашистларни ўлдирган. Мюллернинг ўзи келтирилган снёсий маҳбусларни резинка қамчи блан уриб ўлдирганлигига, сўнгра уларнинг жасадларини крематория печьқаларида куйдирганлигига иқрор бўлди. Эрнст Тельманни ўлдиришда қатнашдингизми деб берилган саволга жавоб қайтариб, Мюллер ўқ овозини эшиттанлигини ва шундан кейин Эрнст Тельманнинг жасадини куйдириш учун унга топширганликларини айтади. Округ полиция вахмистри Фаультрабер-Вейманинг гапи Мюллернинг гапига тамомила қарама-қаршидир. Бу хиши Мюллер Тельманни резинка қамчи блан уриб ўлдирган эди, дейди.

Мюллер одамларни ўлдирганлиги учун лагерьдаги СС раҳбарларидан совға тариқасида арақ, сигарет ва эсэсчиларга бераладиган озиқ-овқатларни олиб турган. Газетанинг билдиришича, Мюллер Дортмундаги ярим ҳароба мусофирхонада қамоққа олинган.

Мас'ул муҳаррир Ўринбосари
Р. САХИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ЎзОПЕРА ТЕАТРИДА («Свердлов» театри биносида) — 13 августда Лайли ва Мажнун. 4 парда, 6 кўринишли опера. ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар ва театр солистлари қатнашади. Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ РЕСПУБЛИКА МУЗИКА ТЕАТРИДА (Пушкин номли боғ. «Муқимий» театрининг ёзги биносида) — 13 августда Хўжа Насриддин. Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — Трахторчилар; «НАВОИЙ» — Шўх йигитлар, 14 августдан Катта вальс; 9-НЧИ МАЙ» — Икки жангчи; «ОКТЯБРЬ» — Сирли дон; «ВАТАН» — янги бадиий фильм Давид Гурамишвили; «ХЕВА» — янги бадиий фильм Давид Гурамишвили; «ИСКРА» — янги бадиий фильм Қасам; «УДАРНИК» — Сентябрь кечаси; «ТЕЛЬМАН» — Волга-Волга; «ВЕСНА» — Катта вальс, 14 августдан Аршин мол олон.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун якка-ла залда Аринка, 14 августдан Балерина; «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун Ҳукумат а'зоси; «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун Денгиз сафарида; «ПОБЕДА» — кечқурун Ташландиқ бола, 14 августдан Хирургия, 1946 йилда Биринчи Май.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: мас'ул муҳаррир ва унинг қабулхонаси — 36545, мас'ул муҳаррир ўринбосари — 32916, мас'ул секретарь — 31638, мас'ул секретарь ўринбосари — 33468, партия бўлими — 34780, совет қурилиши бўлими — 31226, қишлоқ хўжалиги бўлими — 33469, саноат бўлими — 31048, хатлар бўлими — 32347, Нашриёт директори — 34786
Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64.5 минг № 52. Р.04620.